



O'zMTDP — www.mf.uz

# MILLIY TIKLANISH

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси


№ 36 (1034) 2019 йил 11 сентябрь, чоршанба  
1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

**2-3** БЕТ **ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИГА ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛДИ**

**5** БЕТ **ТАРҒИБОТНИНГ НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАРИ**

## БОЛАГА ТАРБИЯСИЗ ТАЪЛИМ БЕРИБ БЎЛМАЙДИ

ЎзМТДП мактабгача таълим муассасаларида таълим эмас, тарбия устувор бўлиши лозим, деб ҳисоблайди



### ■ *Ҳикмат*

Юз жара қилса манга  
бир қатла фарёд айламон,  
Элга қилса бир жара,  
юз қатла фарёд айларам.

АЛИШЕР НАВОЙЙ

**10** бет



### "ЎЗБЕК НОНУШТАСИ"

уни миллий брендга айлантириш  
имконияти мавжуд

### РЎЁГА АЙЛАНГАН ОРЗУЛАР

ёхуд "Шўройи Исломи"  
қандай маҳв этилган эди?

**7** бет



# ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 сентябрь куни Тошкент шаҳрида иш бошлаган Президент мактабини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимиз учун энг катта муаммо — бу бутунги замон талабларига мос кадрлар етишмаслигини, барча соҳаларда инновацион ва креатив фикрлайдиган, илғор технологияларни ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёж жуда юқори эканини таъкидлаб келади.

Чунки, мураккаб ўтиш даврида мактаблардаги таълим сифати пасайиб кетди, коллежларда давомат номига юргизилди. Ижод мактабларининг йўқлиги, маданият ўчоқлари, тўғарақлар фаолиятига эътибор қаратилмагани бир қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Ёшларимиз билимсиз бўлиб улғайди, айримлари ёмон йўللарга кириб кетди, баъзилари эса чет элларда сарсон-саргардон юрибди.

Шу боис, Шавкат Мирзиёев бу масалага ўз ташвиши ва дардидек қаради, юртимизнинг эртанги куни замонавий кадрларга боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаб, бунинг учун таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялашни устувор вазифа сифатида ўртага қўйди.

Ҳақиқатан ҳам, ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислохотлар аввало, таълим тизимидан, боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўрамыз. Чунки мактабни, таълим-тарбияни тартибга солмай туриб шахсни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг эртанги кунига ишонччи мустақамлаш, ажодларга муносиб бўлиш учун ислохотларни илмдан бошлаш керак. Чунки илмсиз ҳеч бир соҳада натижа бўлмайди.

Кейинги уч йилда бу борадаги муаммоларни самарали ҳал этиш, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Шу мақсадда қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бу борадаги комплекс сазй-ҳаракатлар учун пухта ҳуқуқий замин яратилди. Мактабгача таълим, умумий таълим ва олий таълим тизими маъмурият ва сифат жиҳатидан янгиланиб бормоқда.

Ўзбекистонда улуғ алломаларимиз — Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, халқимизнинг ардоқли адиблари номлари билан


аталган ижод мактаблари, “Темурбеклар мактаби”, Президент мактаблари, хусусий мактаблар сингари янги ва замонавий намунадаги таълим даргоҳлари ташкил этилгани юртимиз фарзандлари учун таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар очиб бермоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил ноябрь ойида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига кўтариш учун, аввало, янги авлод кадрларини тайёрлаш зарурлигини, шу мақсадда юртимизнинг ҳар бир ҳудудида биттадан янги тоифадаги мактаблар — Президент мактаблари ташкил этилишини таъкидлаган эди. Жорий йил 20 февраль куни давлатимиз раҳбарининг “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, қисқа муддатда Тошкент шаҳрида дастлабки Президент мактаби қуриб битказилди, Нукус, Наманган ва Хива шаҳарларидаги шундай мактаблар қурилиши жадал давом этмоқда.

2020 йилда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида, 2021 йилда Андижон, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида Президент мактаблари ташкил этиш режалаштирилган.

Мазкур ўқув масканлари янги авлод кадрларини етиштиришда муҳим пойдевор бўлиши шубҳасиз. Чунки, Президент мактаблари иқтидорли болаларни аниқлаш, уларга илғор технологияларни қўллаган ҳолда сабоқ бериш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизим бўлади. Бу истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маънан етуқ ва интеллектуал жиҳатдан баркамол авлодни шакллантиришга хизмат қилади.

Президент мактаблари ихтисослаштирилган таълим муассасаси шаклида ташкил этилади. Бу мактабларга ўқувчилар 4-синф битирувчилари орасидан мантиқий фикрлаш



тестлари, ёзма имтиҳон ва суҳбатлар натижаларига кўра қабул қилинади. Мактабнинг йиллик қабул квотаси 24 ўқувчидан иборат бўлиб, иккита синфга бир хил — 12 нафардан ўқувчи тақсимланади. Таълим жараёни хориждаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилади. Табиий ва аниқ фанлар, хорижий тиллар билан бирга ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ўзликни англатиш учун ўзбек тили ва адабиёти, тарих ва бошқа фанларга ҳам алоҳида аҳамият қаратилади.

Президент мактабларида “STEAM — таълим” (Science — табиий фанлар, Technology — технологиялар, Engineering — техник ижодкорлик, Art — санъат, Mathematics — математика) дастури жорий этилади.

9-11-синфларда ўқувчиларнинг қизиқиши, қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини инobatга олган ҳолда, айрим фанлар индивидуал тарзда ўтилади. Шунингдек, синфдан ташқари амалий машғулотлар ҳам ташкил қилинади.

Президент мактаблари битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, аттестат) билан бирга, хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имконини берувчи халқаро даражадаги тегишли дастур дипломи (International Baccalaureate, Advanced Placement ёки International Advanced Levels) берилади.

Тошкент шаҳрида очилган Президент мактаби янги тоифадаги билим масканлари учун андоза бўлади. Маз-

кур ўқув маскани тузилиши жиҳатидан анъанавий мактаблардан фарқли равишда ихчам ва билим олиш учун қулай. Мактаб 168 ўринли бўлиб, 12 та синфхона, 2 тадан информатика ва инглиз тили хоналари, физика, кимё, биология лабораториялари, ётоқхона, ошхона, хорижлик ўқитувчилар учун 15 ўринли меҳмонхона мавжуд. Барча хоналар замонавий ўқув ускуналари ва инновацион технологиялар билан жиҳозланган. Спорт зали, сузиш ҳавзаси, футбол майдони қурилишига ҳам инновацион ёндашилган. Айниқса, ўзида замонавий қулайликларни мужассам этган ётоқхона ўқувчиларга оила муҳитидагидек яшаш ва дарс қилиш имконини беради.

Ўқувчилар ҳафтанинг 5 куни мактабда ўқиб яшайди. Дам олиш кунлари ота-оналар фарзандларини уйга олиб кетиши мумкин.

Жорий йилда мактабнинг 5-10-синфларига ҳужжат топширган 7 мингга яқин ўқувчидан 144 нафари қабул қилинди. Канаданинг “Teach Away” ва Буюк Британиянинг “TIC Recruitment” рекрутинг компаниялари билан ҳамкорликда мактабга 30 нафар чет эллик мутахассис танлаб олинди. Шунингдек, 72 нафар малакали ва тажрибали маҳаллий ўқитувчи жалб қилинди. Август ойида барча ўқитувчилар учун Cambridge STEAM таълим дастурини татбиқ қилишга қаратилган махсус тренинг ташкил этилди. STEAM дастурига оид дарслик ва ўқув қўлланмалари олиб келинди.

Президент Шавкат Мирзиёев мактабда яратилган шароитлар билан танишди, ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Бу ҳаётингиздаги биринчи синов бўлди. Меҳнат, билим, адолат нима



# ДАВРИГА ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛДИ



эканини кўрдингиз. Барчангизни шундай нуфузли мактабга муносиб топилганингиз билан чин юракдан табриклайман. Сизлар энди Ўзбекистоннинг "олтин фонди" бўлдингиз. Халқнинг, мамлакатнинг буюклигини тараннум этадиган нарсалар кўп. Лекин энг афзали билим билан намоён этиш. Ёшларимиз орасидан Хоразмийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар чиқишига барча асосларимиз бор. Бугун – тарихий кун. Илгари юртимизда бундай шароит бўлмаган. Энди чет элдан нуфузли меҳмонлар келса, катта-катта заводларни эмас, Президент мактабларини кўрсатамиз. Сизлар билимингиз, чиройли хулқ-одобингиз, ватанпарварлигингиз билан ҳамма ёшларга намуна бўлишингиз керак. Келгусида Ўзбекистон тараққиётига таъсир кўрсатадиган кучга айланишингиз лозим, деди давлатимиз раҳбари.

Мактаб ўқувчилари замонавий билимларни ўзлаштириш билан бирга миллий ўзлгимизни чуқур англаши, тарихимиз ва она тилимизни мукаммал билиши шартлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари хорижлик ва маҳаллий ўқитувчилар билан ҳам мулоқотда бўлди.

Юрагимдаги гапимни билишингизни хоҳлайман: сизларга энг катта бойлигимни ишониб топширяпман. Болаларимизнинг чақнаб турган кўзларини, илмга чанқоқлиги ва билимга интилишини, ғурур-ифтихорини кўриб, йўлимиз тўғри эканига ишонч ҳосил қилдим. Ислохотларимизга, фарзандларимиз тарбиясига елкадош бўлаётганингиз учун сизларга миннатдорлик билдираман, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўқувчиларнинг ота-оналари ва илм-

фан намоёндалари билан учрашувда Ўзбекистонда учинчи ренессанс – уйғониш даври бошланаётгани таъкидланди.

Бу илм масканлари умумтаълим мактабларидан мутлақо фарқ қилади. Бу ерда ўқувчилар тинимсиз ўз устида изланади, уларнинг фанларни ўзлаштириши доимий назорат қилиб борилади. Ушбу мактабларда таълим мазмуни ва сифатини янгича асосда йўлга қўйиш учун куни кеча Президент қарори билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Учрашувда Президент мактаблари дунёдаги энг замонавий услублар асосида ташкил этилган билим масканлари экани, бу мактаблар бино ёки шароити эмас, интелликти, маънавий-маърифий муҳити, дарс бериш методикаси билан бошқа мактабларга намуна бўлиши кераклиги қайд этилди.

– Кембриж университети Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликнинг Президент мактаблари учун ўқув дастури ишлаб чиқиш ва ўқувчиларни саралаб олиш бўйича битим тузган, – дейди мазкур университетнинг "Cambridge Assessment International Education" муассасаси Шимолий ва Марказий Осиё бўйича таълим дастури раҳбари Стив Кинг. – Ушбу битимга мувофиқ, ташкилотимиз жорий йилда илк имтиҳонларни ўтказди ва натижада энг билимли, энг қобилиятли болалар саралаб олинди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташриф чоғида бу болаларга Ўзбекистоннинг келажаги, эртанги умиди, деб ишонч билан қарагани бизни қувонтирди. Ташкилотимиз ушбу лойиҳада иштирок этаётганидан мамнун-

миз. Нафақат Тошкентда, балки юртингизнинг барча ҳудудларида ташкил этилаётган Президент мактабларига иқтидорли болаларни танлаб олишга ўз ҳиссамизни қўшиш ниятидамиз.

– Ўғлим Паҳлавон мактабнинг 5-синфига қабул қилинди, – дейди Фаррух Турсунов. – Бу мактабнинг очилиши иқтидорли болаларга янги имконият яратди. Чунки, бу ердаги шароитни ҳеч қайси ота-она уйда яратиб беролмайди. Мактабда ҳар бир ўқувчи учун битта нетбук ажратилган, барча ўқувчилар инглиз тилида бемалол сўзлаша олади. Президентимиз "болаларда ҳавас уйғониши учун академиклар бу ерга келиб ўз ҳаётини гапириб берсин", деди. Бу болаларнинг илмга интилишини кучайтириб келажакда оламга машҳур олимлар бўлиб етишишига хизмат қилади. Мактабда янги таълим технологиялари жорий этилгани болаларнинг интеллектуал салоҳиятини оширади.

– Ўқитувчиларнинг танлов асосида қабул қилиниши, имтиҳонларнинг шаффоқлиги, мавжуд шароит, таълим жараёнига янги ўқув режа ва дастурлари киритилгани Президент мактабларининг ҳар томонлама замонавий бўлишига имкон яратди, – дейди Президент мактаблари лойиҳаси раҳбари Амрулло Абдуллаев. – Бу мактабларда ўқувчиларнинг дунёдаги нуфузли университетларга ўқишга киришга қодир бўлиб битириши асосий мезон қилиб олинган. Бунга эришиш учун хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилаёلمиз. Президент мактабларини ташкил этишдаги тажриба келгусида умумтаълим мактабларида ўқув дастурларини янгилаш ва таълим сифатини ошириш, юртимизнинг барча ҳудудларида босқичма-босқич татбиқ этиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари ташриф чоғида Президент мактабларининг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдириди: Унда, жумладан, шундай сўзлар бор: "Бугунги кунда юртимизда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига, бутун жамиятнинг устувор вазифасига айланмоқда.

Янги Ўзбекистонимизни юксак тараққиёт босқичига кўтаришдек

эзгу ниятимизга янгича ва мустақил фикрлайдиган, ўз Ватанини жонидан ортиқ севадиган, унинг ёруғ келажаги учун садоқат билан хизмат қиладиган, фидойи ёшларни тарбиялаш орқали эришамиз.

Ана шундай салоҳиятли ва баркамол кадрларни тайёрлаш мақсадида республикамизнинг ҳар бир ҳудудда мутлақо замонавий шаклдаги таълим муассасалари – Президент мактабларини ташкил этдик.

Мен ишонаман, бу масканлар жонажон Ўзбекистонимизнинг эртанги тақдирини ўз қўлига олишга, глобаллашув даврида кескин беллашув ва рақобатларда ғолиб бўлишга қодир шахсларни – янги Хоразмийлар, Фарғонийлар, Бериунийлар, Улуғбекларни тарбиялаб етиштиради.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида фаолият бошлаган Президент мактаби халқимизнинг улуғвор ва олижаноб орзу-ниятларини рўёбга чиқаришда барчага намуна бўлишига тилақдошман."

Шавкат Мирзиёев мактабнинг илк ўқувчи ва ўқитувчилари билан суратга тушди, янги масканга замонавий автобус совға қилди.

– Ўзбекистонга халқаро тренер сифатида келдим. Бундан жуда хурсандман. Мамлакатингиз маданияти, халқингизнинг хушмуомала ва меҳмондўстлиги менда катта таассурот уйғотди, – дейди Наманган вилоятидаги Президент мактаби ўқитувчиси, франциялик Ҳафида Бенсаадоуне. – Тошкентдаги Президент мактабига келиб, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашдим. Фаолиятимни тез орада бошлаш, мамлакатингиз ўқувчиларига дунё эшикларини очилиши учун бор тажриба ва куч-ғайратимни ишга солиш ниятидаман. Ўзбекистонда ёшлар келажаги, таълим олиши учун киритилган инвестиция келгусида ўзининг юксак самарасини бериши, мамлакат ривожига улкан ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Мамлакатимизнинг келгуси жадал тараққиёти ёш истеъдод эгаларини аниқлаш, иқтидорли болаларни саралаш ва ўқитиш тизимини такомиллаштириш, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал имкониятларини юзага чиқаришни тақозо этмоқда. Президент мактаблари бу борада муҳим қадам бўлиб, ҳар томонлама етук, жамиятимизга муносиб кадрларни тарбиялашда мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
ЎЗА мухбири





# БОЛАГА ТАРБИЯСИЗ ТАЪЛИМ БЕРИБ БЎЛМАЙДИ

ЎЗМТДП мактабгача таълим муассасаларида таълим эмас, тарбия устувор бўлиши лозим, деб ҳисоблайди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакат ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳудудий жиҳатдан таъминлашга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Ушбу масалалар бундан аввал Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида муҳокама қилинди.

Йиғилишни партия фракцияси раҳбари Алишер Қодиров бошқарди.

Фракция аъзолари дастлаб янги тахрирдаги "Таълим тўғрисида"ги қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама қилишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 22 январдаги фармони билан тасдиқланган "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" да амалга оширишга оид Давлат дастури"нинг 172-бандида "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

Таъкидланишича, ушбу лойиҳа таълимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, тизимни халқаро талаблар билан уйғунлашган ҳолда тубдан такомиллаштириш, ўқитиш сифатини янада яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилган. Лойиҳага катта ёшдагилар таълими, махсус, инклюзив таълим, яқка тартибда педагогик фаолият билан шуғулланиш, давлат-хусусий шериклик, соҳага инвестицияларни киритиш, давлат назорати, таълим муассас-

саларининг ўзини ўзи баҳолаши, иштирокчиларнинг ҳуқуқлари, мажбурият ва жавобгарликлари, соҳада экспериментал ва инновацион фаолият ҳамда шу каби бошқа янги асосий моддалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида йигирмадан ортиқ хорижий давлатнинг таълим тўғрисидаги қонунлари ўрганилди ва уларнинг илғор тажрибалари инобатга олинди. Ўттизга яқин манфаатдор вазирлик ва идоралар, соҳада фаолият юритаётган 50 дан ортиқ мутахассис ва 100 дан зиёд фуқаро қонун лойиҳаси бўйича фикр ва мулоҳаза, таклифларини билдирди.

— "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мамлакатимиз тараққиёти билан боғлиқ энг муҳим ҳужжат ҳисобланади, — деди фракция раҳбари А.Қодиров. — Халқ фаровонлиги, юрт тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, таълим тизимидан бошланиши лозим. Чунки мактабни ўзгартирмай, ёшларнинг таълим-тарбиясини мустаҳкамламай туриб, одамни, жамиятни ўзгартариб бўлмайди. Аммо ўтган йиллар давомида таълим тизимидаги маънавий-маърифий муҳит, ўқитувчи касбининг обрўи ва нуфузи пасайиб кетгани, кадрлар тайёрлаш, инновацион таълим технологияларини жорий этишга етарли эътибор берилмагани сабаб, соҳада бир қатор жиддий муаммолар пайдо бўлди.

Қолаверса, 1997 йилда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳам бугунги кун талабига жавоб бермай қолди.

Сўнги йилларда ана шу муаммоларга самарали ечим топиш, замонавий кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Халқ таълими тизимига оид 6 фармон, 20 дан зиёд қарор қабул қилинди, унинг ҳуқуқий-меъёрий асослари янада мустаҳкамланди.

Фракция аъзолари "Таълим тўғрисида"ги қонунининг янги тахрирдаги лойиҳасини муҳокама қилиш экан, унда тарбия масаласи етарли инобатга олинмаганини қайд этишди. Хусусан, мактабгача таълим муассасаларида таълим биринчи ўринга қўйилиши керакми ёки тарбия? Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил қилинган, лекин таълимда тарбия даражасига жавоб берадиган масъул идора йўқ. Ҳолбуки, тарбияси, хулқи талаб даражасида бўлмаган болага таълим бериб бўлмаслиги кундек равшан. Шу маънода, мактабгача таълим муассасаларида таълим эмас, тарбия устувор бўлиши лозим.

"Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди.

Ушбу қонун лойиҳаси қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш, уларнинг салбий таъсири оқибатларига қарши самарали курашиш, пестицид-

лар ва агрокимёвий воситаларнинг инсон соғлигига, табиий муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш, қулай фитосанитар вазият ва давлат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган. Биринчи ва иккинчи ўқишда қўллаб ҳаволаки ва бир-бирини тақрорловчи моддалар олиб ташланди.

— Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ўсимликларни касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш ўта муҳим вазифа ҳисобланади, — деди фракция аъзоси Алишер Ҳамроев ушбу қонун лойиҳасига муносабат билдирар экан. — Ўсимликларни турли офатлардан самарали ҳимоя қилмай туриб, улардан сифатли, юқори ҳосил олиб бўлмайди. Қолаверса, экспорт ва импорт бўйича иқтисодий савдо муносабатлар, товарларни давлатлараро айрибошлаш жараёнининг кенгайиб бориши хорижий давлатлардан ўсимлик уруғлари, мева-сабзавот, полиз экинлари ва манзарали дарахтларнинг янги навлари кириб келиши карантин тадбирларини янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Қонун лойиҳаси билан танишиб, унда асосан давлатга тегишли бўл-

ган ерлардаги экинларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилишга эътибор қаратилганига амин бўлдим. Аҳоли томорқасидаги экинлар-чи? Лойиҳада бу масалага деярли эътибор қаратилмаган. Яъни, қонун лойиҳасида фуқароларнинг мазкур борадаги билим ва кўникмаларини ошириш, оддий методик қўлланмалар тайёрлаб тарқатиш каби масалаларга ечим йўқ. Қишлоқ одамлари эса томорқасидаги экинларига тушган зараркунандаларга қарши ўз билганича курашапти, аксарият ҳаракатлари самарасиз яқунланиб, ортиқча маблағ сарфланапти. Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилётган бир пайтда, бу бўйича аҳолига яқиндан ёрдам кўрсатиш муҳим эмасми?

Фракция йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам жиддий муҳокамага сабаб бўлди. Депутатларнинг билдиришича, экологик вазиятни яхшилаш мақсадида автомобиллар утилизацияси учун "Утилизация йиғини"ни жорий этишга қаратилган қонун лойиҳаси шундоқ ҳам нархи "осмон"да бўлган автомобилларнинг янада қимматлашуви-га сабаб бўлмаслиги керак.

*Маълумотларга қараганда, бугун мамлакатимизда уч миллионга яқин автомобил бор ва уларнинг 30 фоиздан кўпроғининг ишлаб чиқарилганига 20 йилдан ошган. Демак, бир миллионга яқин автомобил инсон соғлигига ва атроф-муҳитга зарар etkazмоқда.*

*Йиғилишда бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилиб, барча масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.*

**Раъшан МАҲМУДОВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири



- Умумтаълим мактабларининг юқори синфларига "Тадбиркорлик асослари" курсларини жорий қилиш;
- Ишбилармон хотин-қизларга имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашиш;
- Уч ёшгача фарзанди бор кам таъминланган оилалар аёлларига ишлаши учун имконият яратиш масалаларини ўрганиш;
- Аёл депутатлар маҳаллалардаги хотин-қизлар ўртасида доимий равишда семинар-тренинглار ўтказиб, ўз фаолиятидаги устувор вазифалар хусусида тушунчалар бериб бориш...

## Давра суҳбати

# ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ

ЎзМТДПнинг янгиланаётган сайловолди Платформасида бунга доир бир қанча таклиф-мулоҳазалар билдирилди



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши "Хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг долзарб масалалари" мавзусида ўтказган давра суҳбатида ана шундай таклифлар билдирилди. Тадбирда барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари давлатимиз раҳбарининг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича беш ташаббус доирасида мамлакатимизда хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Давра суҳбатини ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Миродил Абдурахмонов олиб борди.

Президентимиз илгари сурган бешта ташаббусдан бири — аёлларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларга тўлақонли турмуш шароити яратиш беришдан иборат, — деди М.Абдурахмонов. — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда хотин-қизларнинг ҳуқуқ-манфаатларини таъминлашда икки муҳим масалага эътибор қаратмоқда. Булар — хотин-қизларга тааллуқли қонуналарнинг ижроси юзасидан депутатлик ва парламент назоратини ўрнатиш, янги қонуналик ташаббусларини илгари суриш ҳамда партия "Аёллар қаноти" институти орқали қарорлар қабул қилиш жараёнига турли соҳа ва тизимларда фаолият олиб бораётган хотин-қизларни жалб этишга эришишдан иборат.

Таъкидлаш жоиз, 2019 йилнинг январь ойи ҳолатига кўра, ЎзМТДП умумий аъзолари сонининг 49 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Партия ташкилий тузилмасида 600 ходим меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 33,1 фоизи хотин-қизлардан иборат. Шунингдек, Олий Мажлис Сенатида 18,7 фоиз сенаторлар, Қонуналик палатасида 16,1 фоиз, халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашиларида 29 фоиз, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашиларида 24,6 фоиз депутатлар, 5 минг 694 бошланғич партия ташкилоти раисларининг 49,9 фоизи, Марказий кенгаш аъзоларининг 18,6 фоизи хотин-қизлардир.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, партия сайловолди Платформасида хотин-қизлар масаласида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, дастурий мақсадларни амалга оширишда турли соҳа вакиллари билан ҳамкорлик қилиш мақсадида ўтган давр мобайнида 20 га яқин давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик битимлари

имзоланди. Партия тизими ва сафига захирадаги ҳамда фаол хотин-қизларни жалб этишга қаратилган ахборот соати, акция, сиёсий ўқувлар ташкил этиб келинмоқда. Кадрлар захирасини шакллантириш борасида олий таълим муассасалари кўнгилли талабаларидан иборат "Кўмак" тарғибот гуруҳи фаолияти йўлга қўйилган. Аини кунда мазкур гуруҳдаги лидер қизларнинг 48 фоизи депутат ёрдамчиси сифатида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларига бириктирилган.

Давра суҳбатида хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласида ҳали талай муаммолар борлиги, кўрилаётган чораларга қарамадан меҳнат бозорига хотин-қизлар ишсизлиги юқорилигича қолаётгани қайд этилди. Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси раиси Насиба Миродилова сайловолди Платформага маҳаллаларда уйма-уй юриб аёллар тадбиркорлигини йўлга қўйиш ҳамда уларни миллий хунармандлик турларини ўргатишга йўналтириш юзасидан вазифалар киритишни таклиф қилди. Пойтахтимиздаги "Genesis Education" нодавлат таълим муассасаси раҳбари Моҳира Абдурашулова тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизларга имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашиш, халқ депутатлари Бектемир туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Феруза Жалилова аёл депутатлар маҳаллалардаги хотин-қизлар ўртасида доимий равишда семинар-тренинглар ўтказиб, ўз фаолиятидаги устувор вазифалар хусусида тушунчалар бериб бориши лозимлигини таъкидлади.

Давра суҳбатида иштирокчилар яна бир қанча таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, таълим сифатини ошириш учун муассаса ва ота-она ўртасида шартнома тузиш, ҳафтада бир ёки икки марта ба ота-она фарзандининг дарс машғулотларини кузатиш имкониятига эга бўлиши, партиянинг "Хизмат — беминат" лойиҳасида аёллар ўрганиши лозим бўлган "Тиббиёт ҳамшираси" сингари ўқув курсларини жорий этиш лозимлиги қайд этилди.

Давра суҳбати давомида иштирокчиларни қизиқтирган барча саволга партия фаоллари ва мутахассислар тўлиқ жавоб қайтарди. "Ёшлар" радиоканали мұҳаррири Аҳроржон Тўлқинов ҳамда Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси психолог-консультанти Азиз Аҳроров партия аъзолигига қабул қилинди.

Дилфуза МАҲКАМОВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

# ТАРҒИБОТНИНГ НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАРИ ундан ким қандай фойдаланяпти?



Шу йилнинг декабрь ойида мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий тадбир — Олий Мажлис Қонуналик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари сайлов бўлиб ўтади. Шу боис, сиёсий партиялар сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини янада фаоллаштирмоқда. Хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам бу борада етакчи бўлишга интилмоқда.

Албатта, сиёсий майдонда қўли банд бўлиш, халқнинг ҳақиқий маънодаги ишончига кириш ва оқлаш учун давлат ва жамият тараққиётига бирдек қилувчи қилувчи сайловолди Платформага эга бўлиш зарур. Шу маънода ЎзМТДП бугунги давр шиддати, талаб ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятида муҳим ўзгариш ва янгиланишлар даврини бошлади. Партиянинг эшиклари эркин фикрловчи, хато ва камчиликларни ошқора, ҳолис ва ҳаққоний айтадиган, сўз ва фикр эркинлиги принципларига тўла амал қиладиганлар учун янада кенгроқ очилди.

Партиянинг ғоя ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда Дастур ва 2020–2025 йилларга мўлжалланган сайловолди Платформаси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган дебатлар, очиқ-мулоқот, давра суҳбатлари ва турли урдушулар ташкил қилиб, "ЎзМТДП аслида қандай бўлиши керак?", "ЎзМТДП сайловолди Платформаси аини кун талабларига жавоб берадими?", "Унга қандай қўшимчалар киритиш зарур?", "Бугунги сиёсий майдонга қандай ғоялар билан чиқиш талаб қилинади?" каби саволларга жавоб изланыпти. Партия имижини яратиш, сайловчиларни устувор билиш, ишончли электоратга эга бўлиш, давлат тили мақомини ошириш, партиянинг қатъий позициясини белгилаш бўйича олимлар, эксперт, сиёсатшунос, ёзувчи-шиорлар ҳамда фаолларнинг таклифларини ўрганмоқда.

Анъанавий ҳисобланган бундай тадбирларнинг кўпроқ ўтказилгани яхши. Сиёсий партиялар сайловолди жараёнларда ўз номини танитиш, тарғибот-ташвиқот ишларининг ноанъанавий, ҳеч ким кутмаган, жамоатчилик эътиборини янада кўпроқ тортадиган ўзига хос рекламадан ҳам кенг фойдаланишга ҳаракат қилади. Партиялар ўртасида бу йўналишда ҳам аллақачон рақобат бошланган.

Нафақат ЎзМТДП Марказий, балки ҳудудий кенгашлар томонидан ҳам бу борада айтишга арзғулик қўлаб амалий ишларга қўл урилди. Жумладан, партия Тошкент шаҳар кенгаши тарғибот-ташвиқотнинг ноанъанавий усулларидан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Дастлаб партиянинг беш минг нусхадаги логотипи чоп этилиб, туман кенгашлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари ёрдамида пойтахтимизнинг жамоат жойлари — бекатлар, савдо дўконлари, идора ва ташкилотларнинг эшик ҳамда пештоқига жойлаштирилган бўлса, сўнгра енгил машиналар орқа ойнаси учун мўлжалланган партиянинг логотипи туширилган пардага буюртма берилди. Бугун шундай парда илинган машиналар пойтахтимиз кўчалари

рида партия номини жамоатчиликка янада кенг танитишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан партия логотипи туширилган темир конструкциялар ташкил қилинди ва пойтахтимизнинг энг гавжум чорраҳаларига ўрнатиб қилинди.

ЎзМТДП ва Тошкент шаҳар кенгаши фаолияти ҳақида энг сўнги маълумотлар билан тўлдирилган флаерлар ҳам тайёрланди, — дейди партия Тошкент шаҳар кенгаши раиси Отабек Жиянбаев. — 10 минг нусхада чоп этилган бундай флаерлар "Матбуот тарқатувчи" АК билан келишилган ҳолда пойтахтимиздаги барча матбуот дўконларига қарийб икки ойдан бери пешма-пеш етказиб берилляпти. Яъни, улар энг оммабоп газеталар билан бирга муштарийлар қўлига етиб бораётир.

Партия Самарқанд вилоят кенгаши ҳам ЎзМТДП ғоя ва мақсадларини амалга оширишда турли тарғибот-ташвиқот усуллари, воситаларидан кенг фойдаланиб келяпти. Китебхоналикни тарғиб қилиш, жамоат транспортда тозаликни сақлаш, ёшлар онгига халқимизга хос бўлган миллий қадриятларни синдириш мақсадида турли акциялар ташкил этилмоқда. Шундай акциялардан бири шаҳар ҳудудида жойлашган автокорхоналарда уюшқоқлик билан ўтказилди.

Партия фаоллари автокорхоналар ҳайдовчилари билан суҳбат давомида акциядан кўзланган мақсад ҳақида батафсил тушунча беришди. Ўз навбатида, ушбу тадбирнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан танишган ҳайдовчилар партиянинг бундай хайрли ташаббусини яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Шундан сўнг, йўналишлар бўйича йўлга чиқаётган жамоат транспортларида партия логотипи туширилган ва аҳолини мутлола, озодалликка чорловчи, кексаларни ҳурмат қилишга даъват этувчи шиорлар ёзилган тарғибот воситалари кўринарли жойларга жойлаштирилди.

Ўзига хос бу тарғибот усулидан кўзланган мақсад — нафақат ЎзМТДП имижини ошириш, балки самарқандликлар ва шаҳримиз меҳмонларида китоба бўлган қизиқишни кучайтириш, жамоат транспортда тозаликни таъминлаш, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустақкамлашдир, — дейди партия Самарқанд вилоят кенгаши раиси Зебинисо Шодиева.

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши ҳам тарғибот-ташвиқотнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланишда бошқалардан ортада қолмасликка ҳаракат қилаётир. "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан Андижон шаҳридаги жамоат транспортлари ҳайдовчиларига фуқаролар учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳикматли сўзлар ёзилган махсус флаерлар тарқатилди. Тарғибот акцияси давомида, шунингдек, юртдошларимизга Мустақилликимизнинг 28 йиллиги муносабати билан партия вилоят кенгаши томонидан тайёрланган байрам табриклари ҳам улашилди. Бундай тадбирлар вилоятнинг барча туман, шаҳар ва қишлоқларида ўтказиш режалаштирилган.

Р.МАҲМУДОВ,  
"Milliy tiklanish" мухбири



## Очигини айтганда...



# ПЛЯЖ ФУТБОЛИ МАЙДОНИНИНГ БУГУНГИ "МАНЗАРА" ЛАРИ бу футбол тури қайта тикланадими?

**Ўзбекистонда расмий мусобақа ўтказиш талабига жавоб берувчи ягона пляж футбол майдони Қарши шаҳрида мавжуд, десак ҳайрон бўлишингиз табиий. Ҳа, бу жой "Геолог" спорт мажмуаси ҳудудида жойлашган.**

Ўш, шундай ноёб майдонимиз бор экан-у, нега уни бу қадар яхши билмаймиз? Ё ўзимиз бориб, қумли майдонда тўп тепмаймиз? Ҳечқурса, пляж футбол бўйича ўтайдиган мусобақаларни томоша қилмаймиз?

Айтишларича, ўн йиллар олдин мамлакатимизда ҳам пляж футбол бўйича расмий мусобақа ўтказишга киришилиб, бунинг учун янги таъмирдан чиққан, вилоят болалар ва аёллар спорт марказига айланган собиқ "Геолог" стадионининг бир бурчаги танланган. Зудлик билан иш бошланиб, юк машиналарида қум келтирилган, томошабинлар учун ўриндиқлар, ҳакамлар ва футболчилар учун кийим алмаштириш хоналари барпо этилган. Алқисса, бинойидек пляж футбол майдони пайдо бўлади.

Сўнг эркаклар ва аёллар ўртасида мамлакат чемпионати ва кубок ўйинлари ўтказила бошланади. Ҳар иккаласида ҳам ўнга яқин жамоалар иштирок этиб, ҳатто пляж футбол бўйича икки йилда бир ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралаш мусобақаларида қатнашадиган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам айнан шу майдонда, чемпионат ва кубок ўйинларида тобланган.

Аммо недири сабаб билан 2012 йилда эркаклар ўртасидаги турнирлар бирданга тўхтаб қолади, кейинги йили аёллар мусобақалари ҳам ўтказилмай қўйилган. Ва ниҳоят, беш йиллик танаффусдан кейин Ўзбекистон футбол ассоциациясидаги ўзгаришлар доирасида пляж футболга ҳам эътибор қаратилиб, вилоят марказидаги ушбу майдонда ўтган йили яна расмий ўйинлар ўтказилиши қайта йўлга қўйилди.

Аммо бу хурсандчилик ҳам узоққа чўзилмади. Ўйинлар бир бошланиб, кейин тақа-тақ тўхтаб қолди ва шундан буён бу майдонга спортчи дегани борки, бирор марта ҳам қадам босгани йўқ.

Шу ўринда савол туғилади, унда нима, ўтган йилги мусобақа ҳўжакўрсинга эдимми? Ё яна 5-6 йил танаффус қилиш одатга айландими?

Пляж футбол майдонининг бугунги манзараси

ҳар қандай киши кўнглини хуноб этади: қумлоқ майдонни тобора ажриқ эгалламоқда, ўриндиқлар синиб, баъзилари кўпориб олинган, томошабинлар сектори устидаги қоплама чириб йўқ бўлиб кетган ҳисоби. Кийим алмаштириш хоналари эса мажмуа хизматчиларига хизмат кўрсатяпти, холос.

— Ўтган йили июль-август ойларида чемпионат ва кубок мусобақалари ўтказилганди, шундан кейин негандир тўхтаб қолди, — дейди "Геолог" спорт-соғломлаштириш мажмуаси бошлиғи Ёркин Раҳмонов. — Агар ўйинлар ўтказилса, олдиндан тайёргарлик кўрамиз. 10 кун олдин қум элини, майдон шай ҳолатга келтирилади. Таъмирлаш масаласига келсак, бу жой Шўртан газ-кимё мажмуасига қарашли. Демак, маблағни ҳам завод ажратади. Тўғри, ўриндиқлар, тепадаги ёпқичга ҳам вақт ўз таъсирини ўтказган. Пляж футбол майдони ташкил қилинганига 10 йилдан ошган бўлса-да, лекин ҳали уни таъмирлаш учун маблағ ажратилмагани боис жиҳозлар маънан эскирган.

Маيلي, катта миқёсдаги мусобақалар ўтказилмаётган бўлсин, қолаверса, бу мажмуа маъмурияти инон-ихтиёрига боғлиқмасдир, аммо вилоят бўйича турли турнирлар ташкил қилса бўлади-ку? Ҳар ҳолда шунча харажат сарфланган майдон "вақт ўтиб йўқ бўлиб кетсин", деб қилинмагандир? Ёки бўлмаса, бу жой ҳамма учун бирдай очиб қўйилса, одамлар жон деб келиши тайин. Шунда ўз-ўзидан маблағ ҳам пайдо бўлади. Заводдагилар қачон пул ажратаркин, деб кутиб ўтириб, борини ҳам йўқ қилиш ҳеч қайси мантиққа тўғри келмайди.

Сунъий қопламали майдончалар соатига 50-60 минг сўмдан ижарага берилётган бир пайтда ёшларни спортга, соғлом турмуш тарзига ошно қилишда аҳамияти катта бўлган дурустгина стадион имкониятларидан фойдаланмаслик учун одам "яхшигина" лоқайд бўлиши керак...

**Бекзод САЙФИЕВ,**  
журналист

## ХАБАРЛАР

### ПАРТИЯ ДАСТУРИ ВА САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИ

*лойиҳа баҳсларда янада такомиллашмоқда*

Партиянинг Қашқадарё вилояти кенгаши "Миллий тикланиш" демократик партияси — соғлом ахборот макони тарафдори" мавзусида ташкил қилган очиқ мулоқотда кўплаб журналист ва блогерлар қатнашди. Унда партиянинг сайловолди Платформаси лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

ЎзМТДП глобаллашув шароитида миллатимизнинг ўзига хослигини сақлаш, хавфсиз ахборот ривожини учун асос яратиш, бошқарув жараёнлари самарадорлигини оширишга қаратилган ахборот сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ў фаолиятининг устувор вазифалари қаторида кўради. Партия сайловолди Платформасида ҳам бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, журналистлар ва блогерларнинг эмин-эркин фаолият олиб боришини сўзсиз таъминлаш, улар учун давлат кафолатларини белгилаш механизмларини такомиллаштириш масалалари ўрин олган.

\*\*\*

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида фаолият олиб бораётган ходимлар иштирокида "Сайловлар: ғалаба стратегияси ва тактикаси" мавзусида семинар-тренинг ташкил этди. Унда иштирокчиларга сиёсий партияларнинг сайлов компаниясидаги иштироки, сайлов компанияси тактикаси, самарали сайлов дастурини ишлаб чиқиш, партия ва номзодлар имижини шакллантириш йўллари ҳамда усуллари хусусида маърузалар тинглади.

\*\*\*

"Ёш келин-куёвлар никоҳдан олдин эмас, балки унаштирувдан аввал тиббий кўрикдан ўтказилиши керак".

"Эр-хотин ўртасида айрим низоларни миллий менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда судгача ҳал этиш тизимини ривожлантиришда имомлар, отиноийлар, нуронийлар фаоллиги зарур".

"Ёш оилаларни ўй-жой билан таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, унинг молиявий манбааларини белгилаш лозим".

Партиянинг Самарқанд вилоят кенгаши "Аёл — миллат овози" мавзусида ўтказган очиқ мулоқотда ана шундай таклифлар билдирилиб, ЎзМТДП 2020-2025 йилларга мўлжалланган сайловолди Платформаси лойиҳасида бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

\*\*\*

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши партия Дастури ва 2020-2025 йилларга мўлжалланган сайловолди Платформаси лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ёшлар билан очиқ мулоқот ташкил қилди.

— Ёш авлод билан ишлаш тизимида янгича механизмни жорий этиш, суд-ҳуқуқ соҳасида умуминсоний қадриятларга оид қўшимча бандларни киритиш, ёшларнинг тадбиркорлигига алоҳида эътибор қаратиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари партия ва унинг депутатлари томонидан ҳам назоратта олинишини таъминлаш зарур, — деди тадбирда сўз олган партия вилоят кенгаши девони раҳбари Феруз Абдуллаев. — Шунингдек, иқтидорли йигит-қизлар клубини ташкил этиш, ёшлар бандлигини таъминлашда ягона тизимни йўлга қўйиш, хорижий тилларни мукаммал биладиган ёшларнинг четга чиқиш кетишининг олдини олиш масалалари кун тартибидан тушмаслиги зарур.

\*\*\*

ЎзМТДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши ташаббуси билан партия Дастури ва 2020-2025 йилларга мўлжалланган сайловолди Платформаси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган дебат ташкил этилди.

— Мени анчадан буён бир масала ўйлантириб келади: мактабларда ўқувчилар хорижий тилларни ўқитиш учун кичик гуруҳларга ажратилади, аммо бу тартиб нима учун ўзбек тилини ўқитишда қўлланмаслиги ажабланарли, — деди тарих фанлари доктори, профессор Искандар Ҳайитов. — Ёки мактабни тугатаётган ўқувчилар она тилимизнинг ўзига хос қоидаларини шунчалик зўр ўзлаштиряптими?

Дебатда партия сайловолди Платформаси лойиҳасининг пишиқ-пухта бўлишини таъминлашга қаратилган миллий қадрият ва урф-одатларимизни сақлаш, маънавият ва маърифат, ёшлар таълим-тарбиясини мустаҳкамлашга қаратилган масалалар юзасидан яна кўплаб таклифлар билдирилди.

**Р.МАВЛОНОВ тайёрлади.**



...1991 йил 31 августда Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Шу кундан эътиборан аждодларимизнинг асрий орузи ушалди. Мустамлакачилик зулми, адолатсизликдан зимистон бўлган қалблар зиёга чулғанди. Халқимизнинг қоронғи, рутубатли, ҳазин тунлари нурафшон, мусаффо тонглarga уланди.

Тарихга назар ташлаб бугунги тинч, осуда ҳаётимиз осмондан тушмаганига гувоҳ бўламиз. Халқимиз бир асрдан зиёд вақт мобайнида мустамлака шароитида, адолатсизлик, зўравонлик исканжасида яшади. Бу йиллар мобайнида қанчадан-қанча одамлар жисмоний ва маънавий азобларни бошидан кечирди...

Ўша оғир кунларни, мудҳиш воқеаларни эслашдан муддао — ўтмишдан, тарихдан сабоқ чиқариш, бугунги эркин, озод ва фаровон ҳаётимизга шукрона келтириш, қолаверса, бугунги ёшларимиз мустақиллик нима эканлигини, у осонликча қўлга киритилмаганини, унинг қадрига етиш, асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш мақсадида тинмай ҳаракат қилиш лозимлигини тушуниб етиши.

Зотан, бу каби тарихий ҳақиқатлар, ўтган кунлардан зарур хулосалар чиқариб, истиқболдаги ишларни белгилаб олиш учун яхши имконият ҳамдир.



## РЎЁГА АЙЛАНГАН ОРЗУЛАР

ёхуд “Шўройи Исло” қандай маҳв этилган эди?

XIX аср сўнгида Туркистон зами-нида куртак ота бошлаган жадид тараққийпарварлик ҳаракати XX аср бошларига келиб ўлкадаги етакчи ижтимоий-сиёсий кучга айланади. Халқ жадидлар қиёфасида ўз халоскорлари, орзу-умидлари рўёбини кўра бошлади.

Хусусан, 1907 йили Сирдарё вилоятидан Чор Россияси Абдувоҳидқори Абдурауфқориев вилоят аҳолиси номидан 12 моддадан иборат талабнома топширади.

1909 йили Мунаввар қори Абдурашидхонев ташаббуси билан Тошкент тараққийпарварларининг “Жамияти имдодия” хайрия уюшмаси ташкил этилади. Уюшма ўз олдида маҳаллий ёшларнинг Россия ва хоржий давлатлар таълим муассасаларида таҳсил олишларини қўллаб-қувватлаш, улардан давлат маҳкамаларида, саноат, тижорат соҳасида ишлайдиган мутахассислар тайёрлаш, камбағал мусулмонларга маданий-маънавий ёрдам кўрсатиш каби вазифаларни амалга оширишни асосий мақсад қилиб қўяди.

1909 йили Мунаввар қори Абдурашидхоневнинг Финландияга саёҳатидан сўнг Тошкентда тараққийпарварларнинг “Турон” жамияти ташкил этилади. Жамият инсонларни ҳурфикрликка чақирарди, Туркистон халқининг илмий-маданий савиясини ошириш, сиёсий тафаккурини ривожлантириш ва миллатни бирлаштириш, унинг бошқа халқлар ичига сингиб кетмаслиги учун кенг қўламли тадбирларни амалга оширади.

1913 йили Тошкентда жамият қошида илк “Турон” театр труппаси очилади. Мазкур ижодий гуруҳ ўз фаолиятини 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги “Козилей” театрида Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” спектакли билан бошлади. Ижодий жамоа кейинчалик Абдулла Қодирийнинг “Бахтсиз куёв”, Абдулла Авлонийнинг “Адвокатлик осонми?”, “Пинак”, Ҳожи Муиннинг “Мазлума хотин” каби асарларини

сахналаштиради. Труппа фаолиятида Абдулла Авлоний, Мунаввар қори Абдурашидхонев, Низомиддин Хўжаев, Шокиржон Раҳимий, Бадриддин Аъламов, Муҳаммаджонқори Пошшахўжаев, Фузаил Жонбоев, 1916 йилдан Маннон Уйғур, Ғулом Зафарий, Сулаймон Хўжаев муҳим ўрин тутди. Шунингдек, “Турон” жамияти қошида 1913 йили маҳаллий жадидларнинг шахсий китоблари ва ҳада қилган жамғармалари асосида 4 минг китоб фондига эга “Турон” кутубхонаси ташкил этилди.

1917 йилда “Турон” жамиятининг наشري — “Турон” газетасига асос солинади. “Озодлик, тенглик ва адолат” шiori остида нашр қилинган газета воситасида маҳаллий аҳолининг ҳақ-ҳуқуқларини оврупотликлар билан тенглаштириш, хилма-хил мактаб ва матбуот ишлари ҳамда турли-туман жамиятлар ташкил этишга кенг имконият яратиб бериш ҳақида бонг урилади.

1917 йил февраль инқилобидан сўнг “Турон” уюшмаси заминида Мунаввар қори Абдурашидхонев, Абдувоҳидқори Абдурауфқориев, Убайдулла Хўжаев раҳбарлигида “Шўройи Исло” жамияти тузилади. 1917 йил 14 мартдан иш бошлаган жамият фаолиятида Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Мустафо Чўқай, Аҳмад Закий Валидий каби кўплаб маърифатпарварлар фаол иштирок этади. Мунаввар қори ёзган “Шўройи Исло” дастурида “Туркистон мусулмонлари орасида илмий ва ижтимоий ислохотчилик ғояларини тарқатиш, Туркистон мусулмонларини ғоялар ва мақсадлар бирлиги асосида жипслаштириш, хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида давлат ҳокимияти тузиш ва Таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш, тарғибот мақсадларида шаҳар, қишлоқ ва овуларда мутасил намойишлар ўтказиш, эски маъмуриятни истеъфога чиқариш ва янгисини тайинлаш заруриятини халқ оmmasига тушунтириш, ўлкадаги турли миллий қўмиталар ва партиялар билан алоқаларни йўлга

қўйиш, мусулмон аҳолисининг эҳтиёжлари ҳақида ўз вакиллари орқали маълумотлар етказиш ҳамда зарурият туғилганда, улардан ёрдам сўраш” каби мақсад-вазифалар белгилади.

Кўп ўтмай “Шўройи Исло”нинг Қўқон, Марғилон, Фарғона, Марв, Туркистон, Ўш каби бир қанча шаҳарларда маҳаллий шўьбалари тузилади. Жумладан, Андижон шўьбасига савдогар бой Миркомилбой Мирмўминбоев, Намангандаги бўлмига уламо Носирхон тўра Камолхонтўра ўғли раҳбарлик қилади. 1917 йил апрель ойида “Шўройи Исло” ташаббуси билан Бутун Туркистон мусулмонларининг I қурултойи чақирилади. Қурултойда тараққийпарварлар ўлкада ҳудудий мухторият учун сиёсий вазият пишиб етилганини англаб, унга ўз муносабатларини белгилаб оладилар.

Бирок 1917 йил июнда “Шўройи Исло”дан бир гуруҳ фалсафалар ажралиб чиқиб, “Уламо жамияти”га асос солади. Аслида “Уламо жамияти” аъзолари адабиётларда ёзилганидек, “Шўройи Исло” билан жуда кескин зиддиятга борган эмас. Уламолар кўпроқ жамиятдаги анъанавий турмуш тарафдорлари бўлиб, ички сиёсий тузилмада шарият қонунларига қатъий риоя қилиш, миллий-диний қадриятларни юксалтириш ва мадрасаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш тарафдори эдилар. “Уламо жамияти” “ал-Изоҳ”, “ал-Ислох” журналларини нашр этиб, уларда даврнинг долзарб муаммолари, диний, ахлоқий, илмий, иқтисодий ва ижтимоий масалалар ёритиб борилди.

“Нажот”, “Кенгаш” ва “Шўройи Исло” газеталари эса “Шўройи Ис-

лом” жамиятининг наشري сифатида фаолият олиб боради. 1917 йил сентябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларининг қурултойида “Шўройи Исло”, “Уламо жамияти”, “Турон” ва бошқа сиёсий ташкилотлар “Иттифоқи мусулмин” сиёсий партияси номи остида бирлашишга келишиб олинади.

1917 йил 26-28 ноябрь кунлари Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон ўлка мусулмонларининг фавкулда IV қурултойида Туркистонни бошқариш шакли тўғрисидаги масала кўриб чиқилади. Қурултой вакили Туркистон учун мухторият ва мустақилликни эълон қилиш фикрини қўллаб-қувватлашади. Бироқ 1918 йилнинг февраль ойида Туркистон Мухторияти қонга ботирилгач, ордан бир ой ўтиб, Қўқон яқинидаги Бачқир қишлоғида “Уламо жамияти” ва “Шўройи Исло” фаолларининг ташаббуси билан Фарғона водийсидаги миллий озодлик ҳаракати раҳбарлари — қўрбошиларнинг илк қурултойи ўтказилади. Унда Туркистонда совет режимига қарши қуруллой ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинади. “Шўройи Исло”нинг собиқ фаоллари Садриддинхон муфти Шарифхўжаев, Миродил Мирзааҳмедов ва Носирхонтўра Камолхонтўра ўғиллари Туркистонда совет режимига қарши ҳаёт-мамонт курашига бош қўшади.

“Шўройи Исло” партиясининг қолган деярли барча аъзоси ўтган асрнинг 30-йиллари сўнгида буткул маҳв этилди...

Баҳром ИРЗАЕВ,  
“Қатағон қурбонлари хотираси” давлат музейи  
катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори







# “САҲНАНИНГ

*Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчехра НОСИРОВА билан ижодий изланишлар, кино ва театр санъатининг ёшларнинг маънавий оламини юксалтиришдаги ҳиссаси, бугун соҳа ижодкорлари олдида турган вазифалар ва бошқа долзарб мавзулар ҳақида суҳбатлашдик.*

— Гулчехра опа, шу кунларда театр ва кинода бирдай роль ўйнаяпсиз. Сизнинг-ча қайси бирининг юки оғирроқ?

— Аввало, айтиш жоиз, санъатнинг олтин қоидаси бор: ҳар қандай образ жонли, табиий бўлса, томошабин унинг кечинмаларини ўзидан топа олсагина, шу образ инсонлар қалбидан чуқур жой олади. Шу маънода театр санъатининг ўзига хос устун жиҳатлари кўп. Театр ҳаракатдаги жараён. Икки марта ўйналган спектакль ҳеч қачон айнан такрор бўлмайди. Ҳар қандай саҳна камчилигини эса кейингисидан тузатиш мумкин. Қолаверса, саҳнада актёрнинг томошабин билан бевосита мулоқоти асарнинг таъсирчанлигини оширишга, шу билан бирга эзгу ғояларнинг томошабин қалбига кириб боришига хизмат қилади. Зеро, саҳнанинг ҳамisha залвори бор, унда истеъдод ва истеъдодсизлик яққол намоён бўлади.

Кино санъати эса умуман бошқа жараён. Вақти келса кўлингизга сценарий берилди ва бир зумда кўз югуртириб улгурмасингиздан “диққат, мотор!”, деган сўзлар янграйди...

Такрор бўлса-да, айтиш жоиз, саҳна жонли жараён. Бу жараённинг завқини таърифлаш қийин. Саҳнада актёр бевосита томошабиннинг қаршида туриб, нафасини ҳис қилиб роль ўйнайди. Бу билан томошабиннинг қалбига кириб бориш, баъзан кино етказиб бера олмайдиган ҳис-ҳаяжон, туйғуларни бериш имкони бор.

Спектаклларда бугунги кун нафаси, одамларни ўйлантираётган, ҳаяжонга солаётган жиддий ижтимоий муаммолар ўз аксини топиши жамиятимиздаги иллатларга қарши курашишда жуда муҳим. Чунки одамлар бу иллатларга мурасасиз бўлмас экан, бундай муаммоларнинг илдизи қуримайди.

Шу кунларда театримизда “Тоҳир ва Зухра”, “Тўмарис”, “Сарвқомат дилбарим”, “Лайли ва Мажнун”, “Айёрига аёллар”, “Антика совчилар” каби янги спектакллар намойиш этилмоқда. Кўпи кўҳна асар, бироқ талқин янги.

— Кимдир айтган эди: “актрисаларнинг оиласига жуда қийин”, деб. Санъат ва оилани бирдай эшлаш учун сабр-тоқат, метин ирода керак бўлади. Шундай эмасми?

— Умуман, аёл санъаткорларга осон

эмас. Бошқа соҳада меҳнат қиладиган хотин-қизларга нисбатан икки карра кўпроқ меҳнат ва машаққат чекади. Сабаби халқ хизматида отландингизми, кўп нарсдан воз кечишингиз керак. Вақти келса фарзандларга етарли эътибор қарата олмайсиз. Аммо ишини, касбини сидқидилдан севган инсон ўйлайманки, барчасига улгуради. Яна аёл суяниши мумкин бўлган оиласи, яқинлари унга беминнат кўмакчидирлар. Уларнинг ёрдами билан ҳар бир санъаткор аёл ўзлигини намоён қилади. Мен ҳам фарзандларим тарбиясида оиламга таянганман. Онамнинг ёрдами билан актриса номини кўтариб юрибман...

— Санъаткорнинг вақти тизгиз. Бироқ истеъдод чархланиши учун мутулаа керак...

— Машҳур адиб Ҳерман Ҳессе мутулаа ҳақида шундай деган эди: “Шунчаки вақт ўтказишни истаган китобхон, китобдаги дилни покловчи, кишини руҳлантирувчи қандайдир номаълум бир кучни сезади-ю, уни баҳолай олмайди. Бундай китобхон тиббиётдан бехабар беморга ўхшайди. Яъни, айнан қайси дори кераклигини тушунмасдан, ҳар бир кутучадан татиб кўра бошлайди. Аслида мутулаа борасида ҳам ҳар бир киши ўзи учун зарур бўлган, яъни куч ҳамда руҳий таъсир бахш этадиган китобларни топа билиши керак эмасми?”. Нокамтарликка йўймангу, мен ўзимни мутулаа борасида жуда яхши китобхонман, деб айта оламан. Чунки бўш вақт топдим дегунча кўлимга китоб олиб ўқишга тутинман.

Агата Кристи — энг семимли ёзувчим. Детектив “қиролчи”сининг бир-бирдан қизиқарли, конфликтга бой асарларини ўқиб унинг истеъдоди, ёзувчилик қобилияти ва маҳоратига қойил қолмаслик мумкин эмас. Гарчи аёл киши бўлса-да, мукамал асарлар ёзгани мени ҳар доим лол қолдирган. Бундан ташқари ўзимизнинг машҳур адибларимиз романларини ҳам ўқиб дилим яйрайди. “Ўтган кунлар”, “Юлдузли тунлар”, “Икки зшик ораси”, “Уфқ” каби асарларни ўзбек адабиётининг ёрқин намуналари деб биламан.

— Болалик чоғларингизни хотирлаганингизда кўнглингиздан нималар кечади?

— Болалик инсон умрининг энг завқли ва беғубор онларидир. Бола кўнглингиз билан осмонларга парвоз қиласиз, сувда

ҳам сузасиз, ойни ҳам кучасиз... Муҳими барчаси самимий, таъмасиз ва рост бўлади. Менинг болагим ана шундай самимийлик қуршовида ўтган. Оилада икки ўғил, бир қизимиз.

“*Ягона қиз фарзанд бўлганим учунми мени кўп эркалашган. Дадам Ҳаким Носиров ҳам актёр бўлган. У киши билан бирга ишхонасига боришни, йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетишни хуш кўрдим. Дадам ҳам саволларимга эринмай жавоб берарди. Байрамларда сочларимга ранг-баранг ленталар тақиб хурсандчилик қилганларимиз ҳамон ёдимда. Аммо бугуннинг болаларини кузата туриб бизнинг ёшлик пайтимиздаги самимийлик, беғуборлик уларга етишмаётгандек туюлади.*”

Бугуннинг замонавий боласи тез улғаяётгандек назаримда. Невараларининг хатти-ҳаракатларида катта одамларга тақлидни кўраман, ана шунда глобаллашув даври инсонлар ўй-хаёли, фикри, онги, ана боринги, ҳаётини ҳам бунча тезлаштирмаса-я, деган фикр хаёлимга бот-бот келаверади. Интернет, компьютер асри дилбандларимизнинг болагини ўғирлаётгандек таассурот қолдирди.

— Ўзбекистонда дубляж санъати мактаби яратилган эди, десак хато қилмаган бўлаемиз. Бу ҳатто собиқ иттифоқ миқёсида ҳам тан олинган, эътироф этилган. Айтинг-чи, дубляж актрисаси сифатида бугунги кун дубляж актёрлари ижросидан қониқасизми? Умуман олганда, бугунги кун дубляжини санъат эмас, саноатга айлантириб юбормадикми?

— Дилимдаги оғрикли саволлардан бирини бердингиз. Дарҳақиқат, ўзбек дубляж санъати ҳадди аълосига етган. Ўтган асрнинг машҳур устоз актёр-актрисаларининг саъй-ҳаракати билан алоҳида санъат тури сифатида жуда мукамал миқёфа касб этган эди. Аммо бугунги кун дубляжи бундан мустасно. Сабаби, замонавий медиа майдоннинг юзага келиши дубляж санъатини том маънода йўққа чиқарди. Илгари дубляж жараёнида устозларимизнинг кўзига ҳа-

вотир билан тикилиб турардик. Улар нима деркин, қандай муносабат билдиради, қаерда қайси сўзга урғу бермай, интонацияга риоя қилмай шошиб ўқидим, деган ҳадик бўларди. Ҳозирги ёш дубляж актёрлари ҳақида афсуски, бундай дея олмайман. Аксарияти ҳатто кўникмага ҳам эга эмас. Келади, тез-тез ўқийди, вақтни рўқач қилиб кетиб қолади. Устоз дубляж актёрларининг ишини кузатмайди. Ёки аксинча, “устозлар дубляж бериб бўлганларидан кейин ёзайлик”, дея пинагини бузмай тураверишади. Мен бу билан ҳозирги ёшларни айбламоқчи эмасман. Маълум маънода бунда катталарнинг ҳам ҳиссаси бор.

Афсуски, ўтган давр мобайнида миллий ва умуминсоний қарашларни синтезлай оладиган, халқ тили ва дилини англайдиган ижодкорлар орасида “устоз-шогирд” анъаналарига анчайин бепарвороқ бўлиш ҳоллари ҳам кузатилди. Оқибатда, устоз кўрмаган шогирдлар кўпайди. Бу биринчи масала бўлса, иккинчи масала, албатта, маблағга бориб тақалади. Илгари, ҳар бир персонажга алоҳида-алоҳида актёр овоз берган бўлса, бугун эса катта-ми, кичикми, ўғилми-қизми фарқи йўқ, бир актёр овоз берапти. Ҳа десанг, шуниси қулай, ортиқча маблағга на ҳожат, қолаверса, техниканинг кучига ишониб кўя қолишади. Аммо қулай, осон деб, бутун дунё эътироф этган дубляж санъатимизни саноатга айлантириб юбориш ҳам тўғри эмас-да...

— Санъатга қизиқувчи ёшлар кўп. Аммо санъатнинг нони қаттиқ. Қолаверса, сал танилган ёшлар бирдан “юлдузлик касали”га чалинади. Сизнинг-ча, санъаткорликнинг қандай мезонлари бор?

— Санъат ижодкорнинг қобилияти, тинимсиз меҳнати эвазига ривожланади. Ҳақиқий санъаткор бўламан, халқимиз сидқидилдан хизмат қиламан, деб уни ўз меҳнати билан намойиш қила олган инсон чинакам санъаткордир. Аммо ёшларимиз орасида фақат бугунини деб, ўткинчи ҳою-ҳавасларга берилиб санъат йўлига кириб қолган ёшлар ҳам бор, афсуски. Битта кўшиқ айтиб ёки битта роль ўйнаб “мен юлдузман” дегувчилар ҳам кўпайиб кетяпти. Қобилияти борми-йўқми, юзинг-кўзинг демай ўз-ўзини намойиш қиладиган ёшларни (санъаткор дейишга тил ҳам бормайди) кўрсам эзилиб кетаман. “Устоз кўрмаган шогирд ҳар томонга йўрғалар”, деганларидек, берилган имконият ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланмай, ўқимай, билим, кўникма олмай мақсадга етиб бўлмаслигини қачон англаб етишаркин, деган хавотирим ҳам йўқ эмас.

— Ижодингизни кузата туриб фақат маиший роллар билан чекланиб қолгандексиз, назаримда. Бунга сабаб нима, режиссерлар сизнинг имкониятингизни муносив баҳолай олишмаяптими ёки ўзингиз бир хил-



# ЗАЛВОРИ БОР...



## ликдан чиқа олмаяпсизми?

— Ҳозир сизга “ижодий потенциалим жуда юқори” десам, мақтанчоқликдек туюлади. Аммо театр жамоамиздан, режиссёрларимиздан сўрасангиз, ҳаққоний баҳони улар беришади. Кун-тун ижод қиламиз, соатлаб репетиция жараёнида бирга бўламиз. Назаримда театр режиссёрлари имкониятими тўғри баҳолай олишган. “Аршин молло”да Гулчеҳра, “Тобутдан товуш”да Нетайхон, “Топталган туйғу”да Маъсума, “Бу телба хонадон”да қайнона, “Асл хазина”да Эркиной образларини гавдалантирдим, қатор тарихий образлар яратдим. Жумладан, “Нодирабегим”даги ижромни кузатсангиз, “бир хил амплудасиз” деган фикр хато эканлигини англайсиз. Кино режиссёрларига келсак, нимагадир кўпроқ маиший мавзудаги фильмларга, салбий ролларга чақиривади. Бироқ яхши актёр рол танламайди. Шу сабаб мен ҳам ишониб топширилган образларни қўлдан келганча маҳорат билан ижро этишга ҳаракат қиламан. Қизиғи, томошабинлар мени театрдаги ролларим билан эмас, балки кинофильмлар, сериаллардаги кичик образларим орқали яхши танийди.

Нима бўлганда ҳам, ҳар қандай фильм инсоннинг онгига, маънавиятига, дидига, дунёқарашига маълум маънода таъсир ўтказиши. Шундай экан, томошабинни эзгуликка ё ёвузликка бошлаш, уни тарбиялаш ё тарбиясини бузиш масъулияти ижодкорнинг зиммасидир.

Давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири — “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонига муносиб кўрилганим театрдаги ролларим самараси, назаримда. Ҳақиқий баҳони, албатта, халқ беради.

— Инсон қанча олдинга олға қадам ташлагани сайин ортига ҳам бир қур назар ташлаши, ўтган умри, фаолиятини сарҳисоб қилиши мақсадга мувофиқ. Сиз ортага назар солганингизда кўнглингиздан қандай ҳислар кечади? Орзуларингизга эришдингизми?

— Инсон ҳаёти турли паст-баландликлар, ўнқир-чўнқир, яхши-ёмон кунлардан иборат. Баъзида қувониб, баъзан йиғлаб Тангри берган ҳаётга кўниб яшаймиз. Бу қисмат. Ундан қочиб қўтилишнинг имкони йўқ. Аммо умримизни мазмунли ўтказиш, чиройли амаллар билан безаш ўзимизга боғлиқ. Қанча олдинга интилганингиз сайин ортага назар ташлаб кўйишни унутмаслик лозим. Омад ва бахт, шон-шўҳратга эришганда ўзидан кетиб қолмасдан босиб ўтган йўлини сарҳисоб қилиши, аслида ҳам мен шунга лойиқманми ёки йўқ, дея ўз-ўзига савол бериши керак. Шон-шўҳрат, машурликнинг юки оғир, бу юкни кўтара оладиганлар бор, кўтаролмайдиганлар бор. Киши кечагина санъат йўлига кириб, бир кечада машҳур бўлиб қолмайди. Бунга йиллар силсиласида тобланиб, тинимсиз меҳнат, сабр-тоқат, ҳавас ва камтарлик билан эришилади. Лутфихоним Саримсоқова, Ҳамза Умаров, Сойиб Хўжаев, Суръат Пўлатов, Эътибор Жалилова каби даргаларни чин маънода ҳақиқий санъат фидойиси дейиш мумкин. Улар қанчадан-қанча қийинчиликларни енгиб ўтган, яхши-ёмон кунларни бошидан ўтказган, аммо сабр қилган. Мен ҳам устозларимиздан олган сабоқларни доим ёдда тутиб, сабр-тоқат, яхши инсонларга ҳавас билан берган кунига шукр қилиб яшайман. Озми-кўпми эришган муваффақиятларим камтарин меҳнатим самараси деб биламан. Шогирдларимга ҳам фақат ҳавас ва ўзгаларга яхшилик тилаб яшаётганини таққор айташдан чарчамайман.


Орзуларимга келсам, ҳали ҳам орзу қилишдан тўхтаганим йўқ. Санъаткор учун “бўлди, мен шу ерда тўхтадим, ҳаммаси амалга ошди”, дейиш ўлим билан баравар бўлиши керак. Шу билан ҳам халқимиз кўнглидан чуқур жой оладиган, бутунги кун руҳиятини очиб берадиган кино ва спектаклларда томошабинларга инсонийлик, эзгулик, меҳр-оқибат, олижанобликдан сабоқ берувчи образларни яратиш ҳаваси билан яшайман.

**Нигора НИШОНБОЕВА**  
сўхбатлашди.

Буюк шахслар мероси ҳам сўнмас куч-ғайрат бағишлайди. Бунинг учун, аввало, маърифатпарвар аждодларимизнинг илмий-маърифий, бадий-эстетик меросидан ёшларимизни кўпроқ баҳраманд этишимиз лозим. Зотан, улуг аждодларимизнинг бой илмий-ижодий мероси ва ибратли фаолияти юксак марраларни кўзлаган ёшларимиз учун намуна мактабидир. Бугун мамлакатимиз ҳудудларида улуг ижодкорлар номи билан аталувчи, ҳар томонлама етук малакали мутахассисларни тайёрлашнинг дастлабки пойдеворлари — муайян фанларга ихтисослаштирилган, бадий ижодга йўналтирилган давлат умумтаълим мактаблари ташкил қилинаётгани айна шу эзгу мақсадга қаратилган.

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ИЖОД МАКТАБИДА

дастлабки сабоқлар бошланди



Шу кунларда Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби иш бошлагани ҳам бунинг мантиқий давоми бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги “Буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ижодининг улкан аҳамиятини инобатга олиб, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, аждодларимизнинг маънавий мероси билан фахрланиш ва ифтихор туйғуларини юксалтириш ҳамда ёзувчи таваллудининг 125 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида шу йилнинг август ойидан Тошкент шаҳрида Абдулла Қодирий ижод мактаби фаолияти йўлга қўйилди.

Мазкур ижод мактабининг илмга чанқоқ, бадий нафосатга ошфута ўқувчи-ёшлари Олмазор туманидаги 119-мактабда (Абдулла Қодирий номидаги мактаб қурилиш ишлари якунига етмагани сабабли) илк ўқув машғулотларини бошлади. Уларнинг қалблари қувончга тўла, вужудини чексиз ҳаяжон қоплаб олган. Чунки бу ёшлар адабиёт ва санъатга муҳаббатли, аълочи ва фазол, изланувчан ва талабчан. Улар мазкур мактабда ўқиш истагини билдирган 480 нафардан ортиқ талабгор тенгдошлари билан беллашиб, ҳолис ва шаффоқлик билан ўтган ёзма ижодий иш, оғзаки сўхбат, тест синови каби уч босқичли имтиҳонда ўз билим ва заковати, салоҳияти билан ғолиб чиқишди. Чунки улар ўзларининг беғубор орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ота-онаси, халқига муносиб фарзанд бўлиб улғайиб, юрт равнақига ҳисса қўшиш умидида.

Абдулла Қодирий ижод мактабининг илк ўқувчилари Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида Шўҳрат Ризаев, Нодир Жонузов, Хондамир Қодирий каби таниқли ижодкор, адабиётшунослар билан учрашдилар. Аждодларимизнинг бой илмий маънавий-мероси, юртимизда ёшлар камолоти йўлида кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ҳақида сўз юритилган тадбирда иқтидорли ўқувчилар адиблар қўлидан бебаҳо совға — китоблар, янги ўқув-ижодий фаолиятга йўлланмани қабул қилиб олишди.

Айна дамда Тошкент шаҳрининг Абдулла Қодирий номи билан аталувчи сўлим боғида ушбу иқтидорли ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари, иқтидорларини ривожлантиришлари учун барча қўлайликка эга бўлган мактаб биноси, адабиёт музейи ҳамда кутубхона барпо этилмоқда. Ўзбек романчилигининг асосчиси, жадид адабиётининг ёрқин намоёнчаси, маърифатпарвар аллома Абдулла Қодирий сиймосини абадийлаштириш, ижодий меросини кенг тарғиб этиш мақсадида адиб таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан қад кўтарётган мазкур мажмуа тез орада ўзининг илк ўқувчиларини бағрига олади. Адабиёт ва санъатга ташна, илмга чанқоқ ёшлар ушбу даргоҳда ўз касбининг устаси бўлган таниқли педагоглардан, тилшунос, адабиётшунос, санъатшунослардан, шоир ўзувчилардан чуқурлаштирилган ўқув фанлари билан бир қаторда, бадий ижод сирлари, нотиклик маҳорати, театр ва режиссёрлик санъати, мутолаа маданияти каби қўллаб-йўналишларда таҳсил оладилар, истеъдодларини тарбиялайдилар.

Ижод мактабининг фаолиятини самарали йўлга қўйиш, ўқувчиларнинг дастлабки даврдаги мослашув жараёни энгил кечиси ота-оналар жамоаси ва кенгаши барча куч ва имкониятларини сафарбар этишга, амалий кўмаклашишга ваъда беришди. Фарзандларининг мазкур мактабда аъло баҳоларга ўқиб, олди-ридаги масъулиятни муносиб адо этиши учун ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда иш олиб боришга келишиб олинди. Умид қиламизки, бу жажжи истеъдодлар замонавий Ўзбекистоннинг кадр-қимматини юксалтирадиган, миллий манфаатларини химоя қиладиган, эл-юрт хизматида камарбаста, жамият тараққиёти йўлида фидойи, ватанпарвар инсон, етук мутахассис бўлиб улғайишади. Юксак ишонч уларни янада кўпроқ изланишга, чуқур билим олиш, улуг мақсад ва марралар сари руҳлантириши шубҳасиз.

**Феруза АЗИМОВА,**  
Республика Маънавият ва маърифат  
маркази бўлим бошлиғи



# “ЎЗБЕК НОНУШТАСИ”

уни миллий брендга айлантириш имконияти мавжуд

Туризм XXI асда дунё давлатлари миллий иқтисодиётининг локомотивига айланиб бормоқда.

Сўнги йилларда туризмнинг жаҳон экспортида ҳиссаси ортиб, дунё миқёсида ялпи ички маҳсулотнинг 11 фоизини ташкил этаётир. Охириги 40 йил давомида дунё миқёсида бошқа мамлакатларга борувчи сайёҳлар сони 20 мартага, туризмдан тушадиган даромад 60 мартага ошиб, умумий фойда 400 миллиард долларга етди.



Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштиришни чуқурлаштириш, саноатни модернизациялаш, хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши барча соҳани, жумладан, туризмнинг барқарор ривожланишига асос бўлаётир.

Тизимли ишлар туристлар оқимини ошириш, инфратузилмани модернизациялаш, виза режимини эркинлаштириш борасида сезиларли натижаларга эришишга муваффақ бўлинди. Масалан, энг либерал виза режимлари рейтингига Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида иккинчи ўринни эгаллади.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида юртимизга 3 миллион нафардан ортиқ сайёҳ ташриф буюрди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 2,3 миллион нафарни ташкил этган бўлиб, 31 фоизга ошди. Натижада, туристик хизматлар экспорти 28 фоизга ошиб, 590,5 миллион долларни ташкил этди.

Эришилган бундай кўрсаткичларнинг замирида туризм соҳасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор фармон ва қарорларда белгиланган вазифалар ижросининг тўлиқ таъминланаётганлигини ҳамда яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонунининг ҳаётга татбиқ этилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, сайёҳлик мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғига айланишида ҳуқуқий замин бўлди. 2017 йил 16 августдаги “2018–2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори билан давлат дастури тасдиқланди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар асосида туризмнинг асосий турларидан бири бўлган гастрономик туризм ёки ошхона туризмининг ривожлантириш ва тараққий топтириш мақсадида қатор амалий ишлар ҳаётга татбиқ қилинаётир.

Ўзбек ошхонаси ўзининг мазали таомлари, ранг-баранг тайёрлашу усули билан машҳур. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон асрлар давомида нафақат маданиятлараро мулоқот маркази сифатида ном қозонди, балки турли давлатлар турфа таомларини бир диёр ошхонасида жамлашди. Тўғри, дунёда турк, инглиз, француз ошхонаси ҳам жуда машҳур. Мисол учун, италияликларнинг “Пармезан пишлоғи”, “Неаполь пиццаси” ёки “Француз ошхонаси” ҳақида эшитганмиз. Ҳатто француз гастрономияси ЮНЕСКОнинг номоддий маданий рўйхатига киритилган. Албатта, Ўзбек ошхонасига хос палов билан боғлиқ маданий ва анъаналар ҳам ушбу рўйхатдан жой олгани қувонарли ҳолдир.

Айтиш жоиз, жаннатмонанд юртимизда тўғри овқатланиш учун барча шароит муҳайё. Она заминимизда йилнинг тўрт фаслида ҳам юзлаб хил табиат ноз-неъматлари етиштирилади. Ҳатто қиш фаслида ҳам бозорларимиздан сархил мева-сабзавотлар, кўкатлар узилмайди. Айниқса, ёнғоқ, майиз, мавсумий мева-сабзавотлар, чой, новвот, қуруқ мевалар, қаймоқ, анъанавий ширинликлардан иборат саломатлик учун ниҳоятда фойдали бўлган ўзбек нонуштаси ҳам айти пайтда сайёҳлар эътирофига сазовор бўлмоқда.

— Ўзбек пазандачилиги таомларга бойлиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради, — дейди Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси раиси Акбар Умаров. — Сумалак, кўк сомса, кўк чучвара, ялпизли мошхўрда, палов, кабоб, қарам ва қалампир дўлма, айрон, гўжа ош, сабзавотли димламалар, қовурилган балик, беҳили палов, қовоқ сомса, сархил мевалардан тайёрланган овқатлар дастурхонимизга фойз бағишлайди.

Гастрономик туризмнинг асосий мақсади, сайёҳларнинг маълум бир мамлакатга саёҳат қилиши асносида ўша давлатнинг миллий ошхонаси ва овқатланиш маданияти билан яқиндан танишидир. Гастрономик сайёҳ, биринчи навбатда, маданиятнинг ажралмас қисми бўлган миллий ва анъанавий таомларни тайёрлаш жараёни, дастурхонга тортиш усуллари, овқатланиш тартибини кўриш, билиш баробарида саёҳат қилаётган давлатнинг тарихи, иқтисодиёти, маҳаллий аҳолининг эътиқодини ўрганади. Айни вақтда “Ўзбек нонуштаси”ни дунё халқлари пазандачилик стандартига киритишни режалаштирганмиз.

“Шу йилнинг ноябрь ойида Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси билан ҳамкорликда уч кунлик “Лаззатли Ўзбекистон” халқаро дунё гастрономик фестивалини ўтказиш режалаштирилган. Унда дунё тан олган машҳур ошпаз ва етук мутахассислардан иборат комиссияга юртимиз нонуштаси тақдим этилади. Бунда нафақат нонушта, балки тушлик ва кечки овқат турлари, уларни тайёрлашни ҳам дунё стандартларига мослаштиришни ният қилганмиз. Чунки саломатликнинг энг муҳим омилларидан бири тўғри овқатланишдир. Етук мутахассислар ҳозирда бу борада изланишлар олиб бораётир.”



Лойиҳадан асосий мақсад — миллий таомлар, миллий пазандачилигимиз орқали жаҳон сайёҳларини Ўзбекистонга жалб қилиш, меҳмондўстлик ва хизмат кўрсатишнинг замонавий талаблари билан таништириш, гастрономик туризмни ривожлантириш ҳамда баъзи бир йўқолиб кетиш хавфи остида қолган ўзбек миллий таомларига эътибор қаратиш.

Сентябрь ойдан бошлаб Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳисобидан молиялаштирилган “Лаззатли Ўзбекистон”, “Ўзбекистон бўйлаб гастротур”, “Меҳмоннавозлик мактаби” каби гастрономик туризмни ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси томонидан миллий нонуштаннинг тақдим этилиши ва асортиментлари ишлаб чиқилди. Улар фаол ва худудга қараб бироз ўзгариши мумкин. Ўзбек нонуштаси атлас дастурхонда тақдим этилиб, нон, чой, новвот, ҳола, қуруқ мевалар, қатлама, сомса, қаймоқ, сариеғ, ширгуруч, ширқовоқ (мавсумга қараб), ширқой,

қуймоқ, мураббо ва асал каби маҳсулотлардан иборат бўлади. Мавсумга қараб кўкликлар ва сархил мевалар, сумалак қўшилиши мумкин.

— Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳ борки, бизнинг паловимиз, кабобу сомсаларимиз таърифини эшитиб келган бўлади, — дейди “Blessed travel” масъулияти чекланган жамияти сайёҳлик фирмаси директори Севара Алимхўмаедова. — Ҳақиқатда миллий таомларимиз мақтанлигига арзигулик. Айни пайтда хорижликлар ўзбек таомларини нафақат юртимизда, балки ўз юртида ҳам татиб кўриши учун юртимиздан олиб бориладиган масалликлар, масалан, гуруч, сариқ сабзи, нўхат, кўкатлардан тайёрланади ва асл ўзбек ошхонаси сифатида фаолият юритаётир. Булар хорижликларни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Дарҳақиқат, бугун Ватанимизнинг халқаро майдондаги имижини ва салоҳиятини юксалиб бораётир. Хусусан, туризм соҳасида кўлга киритаётган ютуқларимиз, имкониятларимизнинг салмоғи тош босадиган даражага етмоқда. Дунё саҳнида ўзбек номи билан боғлиқ фахрланишга арзийдиган миллий брендлар шаклланимоқда. Бундай ютуқ ва амалий ишларимиз сафига “Ўзбек нонуштаси”ни ҳам бемалол киритиш фурсати келди. Демак, дунёда меҳмондўст номини олган дўришимизга сайёҳлар йилнинг исталган вақтида келиши ва нафақат миллий таомларимиздан татиб кўриш, балки уларни тайёрлашда бевосита иштирок этиш имкониятига ҳам эга. Агар сайёҳлик соҳасида гастрономик туризмнинг ўрни тобора ортиб бораётгани ҳисобга олинса, биз ҳам фақат маданий меросимиз билан чекланиб қолмай, балки ўзбек ошхонасини миллий бренд даражасига кўтаришимиз керак ва бунинг учун барча имконият мавжуд. Бу эса мамлакатимиз бўйлаб гастрономик сайёҳликни янада амаллаштиришга, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хизмат қилади.

Нигора НИШОНБОВА,  
“Milliy tiklanish” мухбири



» Газетхон минбари

# ЁШЛАР КАМОЛИДА КИТОБНИНГ ЎРНИ



**“Фақат бир эзгулик бор, бу ҳам бўлса билимдир”, деганда Суқрот қанчалар ҳақ эди. Шу боис ҳам мактабга илк бор қадам қўйган болага устози китоб тутқазди. Ўша дақиқадан бошлаб ўқувчининг қалбида китобга бўлган меҳр уйғонади ва бу меҳр уни эзгу мақсад, юксак орзулар парвозига чорлайди...**

Дарҳақиқат, ёшларни Ватанимиз, халқимиз, миллий қадриятларимиз, тарихий-маънавий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, дунё-қараш ва фикрлаш доирасини кенгайтириш, ижодий салоҳиятини юксалтиришда китобнинг ўрни беқиёс. Шу боисдан юртимизда ёшларда болалик чоғидан бошлаб китобхонлик маданиятини шакллантириш, китоб ўқишга бўлган қизиқишини ошириш, ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарларига меҳр уйғотишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ғаллаорол туманидаги 16-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган кутубхонада ҳам бор диққат-эътибор ягона мақсадга — ўз фикрига эга, билимли, Ватанга садоқатли ёшларни тарбиялашга йўналтирилган. Зеро, китоб маънавий бўшлиқни тўлдиради, маданиятни юксалтиради. Маънавияти бутун, маданиятли инсондан эса ёмонлик чиқмайди. Шу мақсадда кутубхона ташаббуси билан ўқув даргоҳида “Китоб ёғдуси ҳаммаша йўлимизни ёритиб турсин”, “Бадий адабиётлар — миллий ғоя жарчиси”, “Одабийлик китобга бўлган эътиромдан бошланади”, “Ёшларнинг энг сеvimли китоби” каби мавзуларда суҳбат ва ёзма ижодий савол-жавоблар ўтказилмоқда. Бир сўз билан айтганда, китобхон ўқувчи бўлиш шараф экани тарғиб қилинмоқда. Малика Турсунбоева, Ҳожиакбар Абдурахимов, Элбек Холматов каби ўқувчиларимиз шаҳар ва вилоят китобхонлар кўрик-танловида фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Маънавий эҳтиёжни қондириш борасида китобнинг ўрни беқиёс. У хоҳ дарслик, хоҳ бадий асар, хоҳ лирик дoston кўринишида бўлсин, бизни илмга, ҳаётга, яхши инсон бўлишга ўргатади. Шунинг учун ҳам ўқув муассасасида китоб ярмаркалари ўтказилиб, уларда янги нашрдан чиққан адабиётлар намойиш қилинмоқда. “Мактаб-маҳалла-жамоат ташкилотлари” хайрия тadbирлари ўтказилиб, мактаб кутубхонаси фонди мунтазам бойитиб борилмоқда. Айни пайтда кутубхонанинг умумий китоб фонди 20 мингдан ортади. Бу ерда ўзбек ва

жаҳон адабиёти намояндalари асарлари, болалар адабиёти дурдоналаридан юзлаб китобхон баҳраманд бўлмоқда.

Бундан ташқари, ёшларнинг адабиётга бўлган қизиқишини ошириш, уларда китобхонлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида буюк аждодлар, улуғ шоир ва ёзувчиларимизнинг таваллуд кунларида вилоятимиздан чиққан ижодкорлар билан ўқувчилар ўртасида учрашувлар ташкил этилмоқда. Шоир-ёзувчилар билан учрашув ва китобсеварлар иштирокидаги анжуманларда ёш китобхонлар ўртасида ўтказилган викторина саволларига тўғри жавоб бериб, ғолиб бўлган ўқувчиларга китоблар совға қилинмоқда.

— Китоб нафақат зиё масканларини ёритувчи нур, балки инсонларни камолот сари етакловчи муҳим маънавий хазина ҳамдир, — дейди кутубхона мудираси Матлуба Маллаева. — У инсонга маънавий озиқа берибгина қолмай, унинг тафаккурини ҳам бойитади, келажакка аниқ мақсадлар билан одимлашда мустаҳкам пиллапоё вазифасини бажаради. Шу боис бугун кутубхонамиздан ўқувчилар аримайди: ўзбек ва жаҳон адиблари қаламига мансуб китобларнинг қўлма-қўл ўқиладганини кўриб, қувонасиз. Бу эса зиё маскани фондини янги чоп этиладган китоблар билан мунтазам бойитиб бoришга ундамоқда. Зеро, кундалик турмушимизда Интернет ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг роли тобора ортиб бораётган бугунги кунда ҳаммамиз учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг тарғиб қилиш ва ёшларимизнинг мутолаага муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди. Шунда баркамол авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

**Шаҳло АЛИАСҚАРОВА,**

**Ғаллаорол туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси**

## ОИЛАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ҲАММАНИНГ ИШИ

Халқимиз ҳар доим матбуотга ўзининг яқин ҳимоячиси, маслаҳатчиси сифатида қараб келган. Жумладан, газетда яқинда эълон қилинган журналист Ҳаким Сатторийнинг гендер тенглиги, оилавий ажримлар ҳақидаги таҳлилий мақоласида кўпчиликнинг дилидаги гаплар айtilган.

Мақолада никоҳ, оила билан боғлиқ кўглаб қадриятлар тилга олинган. Ҳақиқатан, ҳаётда учрайдиган нуқсонларга қарши ҳамма баравар курашишга уни тез бартараф этса бўлади. Оилавий муносабатларни тўғри шакллантиришда, ҳар бир оила мустаҳкамлигини таъминлашда ҳамкорлик яхши самара бериши азалдан маълум. Бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг фаоллигига эҳтиёж ҳар қанчонгидан ҳам ортган.

Оила — муқаддас даргоҳ. Мамлакатимизда жамиятнинг бошланғич ва муҳим бўғини ҳисобланган оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки, барқарор давлат ва фаровон турмуш барпо этиш кўп жиҳатдан айни шу масалага боғлиқ. Аммо оила ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Оилада ҳар бир кишининг ўз ўрни, бурч ва масъулияти бор. Оилавий ҳаётда ана шу жиҳатлар ҳисобга олинса, ўша оилада ўзаро ишонч руҳи ҳукм суради, тинч ва саодатли ҳаёт кечиради.

Бунда энг аввало, икки тақдирнинг қўшилиб, бир тақдирга айланишида иштирок этадиган ҳар бир шахс ўзида масъулият ҳис қилиши лозим. Хусусан, совчиларнинг ҳам жавобгарлигини ошириш мақсадга мувофиқ. Токи, улар шунчаки элчи бўлиб қолмасин, балки оила деб аталувчи муқаддас кўрғоннинг кейинги ҳаётида ҳам фаол шахс бўлиб қолсин. Шу тўғрисида ажримлар жараёнида ҳам совчилардан фикр олиш, қолаверса, уларнинг фаолиятига баҳо беришни йўлга қўйиш керак. Шунингдек, бу масалада имом-хатибларнинг алоҳида ўрни бор. Улар зиммасидаги масъулият юқини ҳис этиши ҳам қарз, ҳам фарз.

Биз бир мақола сабаб оилавий ажримларнинг айрим манзаралари хусусида мулоҳаза юритдик. Гапирсак гап кўп. Аммо, орамизда ҳаёт синовларидан мардона ўтиб, ўзи учун бахт кўрғонини яратадиганлар ҳам кам эмас. Шундай экан, барча оилавий ажримларга қарши курашса, бундай ҳолатларнинг олдини олишга имкон қадар ҳаракат қилса, бу борадаги қонуний меъёрларга амал қилса, қутилган натижага эришилади.

Мавриди келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтишни хоҳлардимки, турмушда учрайдиган оилавий можароларни эрмакка айланттириб юбориш инсофдан эмас. Мақолада тўғри таъкидланганидек, кимдир турмушнинг зарбасига учраб қон қақшаб турибди, кимдир теле-шоу тайёрлаб, машҳурлик илинжида. Ҳолбуки, оиладаги нотинчлик, ажримлар сабаб фақат эр-хотин азият чекмайди. Бундай ҳолатларда ўша оила фарзандлари — эртамиз эгалари бўлган ёшлар камолоти ҳам сўроқ остида қолади.

Ёки айтилик, ҳали она сути оғзидан кетмаган қизларнинг телекўрсатув орқали ақл ўргатиши, китоб тугул, газета очиб кўрмайдиган бошловчининг дабдурустдан “энди, қайноналар, китобхонлик ҳақида гаплашмак” дейиши... Тушунишимизча, бундан кўзланган мақсад мутолаа маданияти, китобхонликни тарғиб этишнинг ўзига хос усуллари орқали инсонларнинг ўзини англаши, ўз ўзини ривожлантириши экан, бунда ишни аввало “китоб ўқиш оч қоринни тўйдирадими?”, қабилда кўрсатувлар тайёрлаётган “ижодкор”лардан бошлаш керак эмасми? Умуман айтганда, бундай баҳчаналиклар, нохуш ҳолатларни бартараф этиш, олдини олиш вақти ўтиб ҳам кетмоқда-ку?! Ва энг муҳими, телевизор қаршида ўтирган томошабинлар орасида ҳам кўпни кўрган, катта ҳаётий тажрибага эга отахон ва онахонлар, донишманд инсонлар борлигини кўрсатув ижодкорлари унутмаса бўлгани...

**Алламурод КЕЛДИЕВ,**

**Чироқчи иқтисодий коллеже директори**





**Хотира, муборак Ҳайит айёми кунлари яқинлари, ёру дўстлари, биродарларини хотирлаб, улар мангуга бош кўйган шахримиз қабристонларига қабр зиёратига борган ҳар бир киши, дунёдан ўтган яқинлари марқадрларини гулзорларга айлантираётган, улар ҳаққига Қуръон тиловат қилаётган юзлаб мўмин-мусулмон ҳам-шаҳарларини кўриши мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги "Муқаддас қадамжолар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида" - ги қарори бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.**

## ЭГАСИЗ ҚАБРЛАРГА КИМ ҚАРАЙДИ?



Статистика маълумотларига кўра, Тошкент шаҳрида 510 гектарга яқин майдонда 74 қабристон мавжуд. Уларнинг 65 таси ислом, қолганлари бошқа дин вакилларига мансуб инсонлар қабристони. Пойтахт қабристонларини талабга жавоб берадиган даражада сақлаш, атрофларини деворлар билан ўраш ва ободонлаштириш ишлари би-

лан Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси қошидаги Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси, шунингдек, ҳар бир қабристон маъмурияти шуғулланади. Шаҳримиз қабристонларининг айримларида баъзи бир қабрлар эгасиздай нураб, тўкилиб ётганига гувоҳ бўлгач, бу ҳолат сабабини билиш мақсадида Фуқароларга

хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Саид Ибрагимовга мурожаат қилдик.

— Элниг кимлигини билай десангиз — мазорини бориб кўринг, деган гап бор. Пойтахтимиз ҳудудида жойлашган қабристонларда бундан 40-50 йиллар аввал кўйилган қарийб олти юзга яқин мусулмонлар, мингга яқин бошқа дин вакилларининг қабрлари қаровсиз ҳолатда ётибди, уларга қарайдиган одам (марҳумларнинг яқинлари) йўқ, — дейди Саид Ибрагимов. — Бир неча маротаба ўша марҳумларнинг яқинларига хат билан мурожаат этдик, аммо хатларимиз эгасини тополмаяпти: ё улар яшаб жойларини ўзгартиришган ёки Ўзбекистондан бутунлай чиқиб кетишган. Бу муаммонинг ечимини топиш мақсадида биз улар яшаган маҳаллалар раислари билан бу ҳақда далолатнома тузиб, эгаси сўраб келса, даъво қилса кўрсатиш учун сочилиб кетган қабрларни суратга олиб, реставрация ишларини бошлаб юборганмиз.

— Қолаверса, пойтахтимизда фаолият олиб бораётган рус, корей, яҳудий, озарбайжон ва арман маданият марказларига ҳам хат билан мурожаат этганмиз. Улар маблағ топиб ватандошлари қабрларини тузатсалар нур устига нур бўларди. Қабристонларга хонаки ва ёввойи ҳайвонлар кирмаслиги, пайҳон қилмаслиги учун улар деворлар билан ўралган бўлиши керак. Ҳозирда Тошкент шаҳридаги қабристонларнинг деярли ҳаммаси девор билан ўралган. Яқинда савобталаб ҳомийлар "Ғойиб ота", "Илонли ота" ва "Заҳ" қабристонларини ҳам пишиқ ғишт билан ўраб

беришди. Бу йил ҳам қабристон атрофларига икки мингдан ортиқ манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экдик.

Дарҳақиқат, ўтган аждодлар ва яқинларимиз қабрини тез-тез зиёрат қилиб туриш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар: "Албатта, қабр охират манзилларининг биринчисидир. Кимки ўша қабрдан нажот топса, ундан кейингиси энгилроқдир. Кимки қабрдан нажот топмаса, ундан кейингиси ундан ҳам оғирроқдир".

Ҳар бир мўмин-мусулмон, у хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, ўтган яқинлари қабрларини зиёрат қилиб, улар ҳаққига Қуръон тиловат қилсалар, қабр атрофига гуллар эксалар, ўзларига савоб, қабрда ётганларга фойда бўлиб, қабристондаги дарахтлар, гуллар, ўт-ўланлар Аллоҳга тасбеҳ ва зикр айтиб тураркан. Зеро, қабр зиёрати мустаҳаб, ислом суннати, савобли амал ҳисобланади. Зеро, ҳазрати Суфёни Саврий таъкидлаганидек, "Кимки қабрни эслашни кўпайтирса, қабристонни ободонлаштирса, у жаннат боғларидан бирини топади, кимки ундан ғойиб бўлса, у дўзах чоҳларидан бир чоҳни топади".

Ахир охират манзилининг боши, дунё манзилининг охири бўлмиш қабристон биз учун тафаккур ва ибрат олиш манзилидир.

**Гулпошша ЭРГАШҲҲЖАЕВА,**  
**Ўзбекистон Журналистлар**  
**иҷодий уюшмаси аъзоси,**  
**тарих фанлари номзоди, доцент**

## ЭЪЛОНЛАР!

**"SIRDARYO UNIVERSAL KIM OSHDI SAVDO SERVIS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

1. "Ўзбекистон Почтаси" АЖ Сирдарё филиалининг 2019 йил 9 сентябрь кундаги 36-23/754 – сонли хатига асосан "Ўзбекистон Почтаси" АЖ Сирдарё филиалида сақланаётган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли, 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорларига асосан, куйидаги автомобилотранспорт воситалари аукцион савдосига кўйилмоқда: Шундан:

- 1.) Бошланғич баҳоси 13 969 508 сўм, жорий ва мукаммал таъмирталаб, носоз ҳолдаги, 2006 й и/ч ГБА "DAMAS-ZBB-DAEWO" СПГ, д/р 20 096 AAA.
- 2.) Бошланғич баҳоси 15 926 550 сўм, жорий ва мукаммал таъмирталаб, носоз ҳолдаги, 2009 й и/ч ГБА "DAMAS-VAN-GM-UZ" СПГ, д/р 20 691 AAA.
- 3.) Бошланғич баҳоси 18 914 160 сўм, жорий ва мукаммал таъмирталаб, носоз ҳолдаги, 2008 й и/ч ГБА "DAMAS-DLX-GM-UZ" СПГ, д/р 20 113 AAA.
- 4.) Бошланғич баҳоси 13 306 014 сўм, жорий ва мукаммал таъмирталаб, носоз ҳолдаги, 2007 й и/ч ГБА "DAMAS-DLX-GM-UZ" СПГ, д/р 20 052 AAA.
- 5.) Бошланғич баҳоси 15 744 128 сўм, жорий ва мукаммал таъмирталаб, носоз ҳолдаги, 2007 й и/ч ГБА "DAMAS-VAN-GM-UZ" СПГ, д/р 20 049 AAA.
- 6.) Бошланғич баҳоси 14 651 643 сўм, жорий ва мукаммал таъмирталаб, носоз ҳолдаги, 2007 й и/ч ГБА "DAMAS-VAN-GM-UZ" СПГ, д/р 20 043 AAA.
- 7.) Бошланғич баҳоси 16 515 796 сўм, жорий ва мукаммал таъмирталаб, носоз ҳолдаги, 2011 й и/ч ГБА "DAMAS-VAN-GM-UZ" СПГ, д/р 20 245 DAA.

Аукцион савдо 2019 йил 11 октябрь соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади, сотилмаган тақдирда такрорий савдо 2019 йилнинг 18, 25 октябрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз. Ушбу автомобилотранспорт воситалари билан "Ўзбекистон Почтаси" АЖ Сирдарё филиалининг ишончли вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади, охириги муддати: бир кун колганда тўхтатилади. Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган шартнома келишувига асосан, мулк

бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини ҳар бир автомобилотранспорт воситасининг номи, давлат белгилари кўрсатилган ҳолда "SIRDARYO UNIVERSAL KIM OSHDI SAVDO SERVIS" МЧЖнинг, АТ "Ўзсаноатқурилишбанк" Сирдарё вилоят филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9004 0989 4001, МФО: 00 855, ИНН: 303 121 227.

Савдо ғолибига 10 иш кунни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдо ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, А.Навоий кўчаси 46-уй 310-хона, телефон: 235-03-57.

Хизматлар лицензияланган: реестр тартиб рақами № 224, Гувоҳнома № 0224, 17 декабрь 2014 йил берилган.

"FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдога "QO'QON PAXTA TOZALASH" АЖнинг 28.08.2019 йил кунги №16/374 сонли хатига биноан "NISSAN TIDA SEDAN 1/6 AS" русумли, 2008 йилда и/ч, д/р: 40 399 VAA бўлган автомобилотранспорт воситаси кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 12 811 162 сўм.

Аукцион савдо 2019 йилнинг 14 октябрь кунни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдога талабгорлардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охириги муддати: 2019 йил 11 октябрь соат 16:00. Савдо ғолиб деб топилган шахсга 10 (ўн) иш кунни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар диққатига!** Юқорида кўрсатилган автомобилотранспорт воситаси 2019 йилнинг 14 октябрь кунги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдо 2019 йилнинг 30 октябрь кунни такроран бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини келишув шартномага асосан "FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖнинг ХАБ "Трастбанк" Фарғона филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: х/р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй. Телефон: +99895 402-54-75. **Гувоҳнома № 1894.**

**"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Қибрай филиали томонидан Тошкент вилояти Қибрай тумани А.Навоий кўчасида (Қибрай автошоҳ-бекати рўпарасида) 24/7 иш режимида ишловчи ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи банк хизматлари шахобчаси қурилди.**

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Қибрай филиали ушбу шахобчани ишга тушириш учун банк филиали ва банк хизматлари шахобчаси оралиғида (1,5 км масофада) "Замонавий оптик толали алоқа тармоғи" ни ўрнатиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш буйича ташкилотни танлаш учун тендер эълон қилади.

Таклиф ва мурожаатлар эълон чоп этилганидан сўнг 7 кун мобайнида ёпиқ конвертда куйидаги манзил буйича қабул қилинади:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зебунисо кўчаси, 7. **Телефон: 78 150 20 87**





# BOLAGA TARBIYASIZ TA'LIM BERIB BO'LMAYDI

O'zMTDP maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim emas, tarbiya ustuvor bo'lishi lozim, deb hisoblaydi

Oliy Majlis Qonunchilik palatasining navbatdagi majlisi bo'lib o'tdi. Unda mamlakat hayotining turli sohalarida amalga oshirilayotgan islohotlarni hududiy jihatdan ta'minlashga qaratilgan qonun loyihalari ko'rib chiqildi.

Ushbu masalalar bundan avval O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining Oliy Majlis Qonunchilik palatasidagi fraksiyasi yig'ilishida muhokama qilindi.

Yig'ilishni partiya fraksiyasi rahbari Alisher Qodirov boshqardi.

Fraksiya a'zolari dastlab yangi tahrirdagi "Ta'lim to'g'risida" gi qonun loyihagini atroflicha muhokama qilishdi.

Davlatimiz rahbarining 2018-yil 22-yanvardagi farmoni bilan tasdiqlangan "2017—2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini "Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalari va texnologiyalarni qo'llab-quvvatlash yili" da amalga oshirishga oid Davlat dasturi" ning 172-bandida "Ta'lim to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasi qonunining yangi tahrirdagi loyihasi ishlab chiqish vazifasi belgilangan.

Ta'kidlanishicha, ushbu loyiha ta'limdagi mavjud muammolarni bartaraf etish, tizimni xalqaro talablar bilan uyg'unlashgan holda tubdan takomillashtirish, o'qitish sifatini yanada yaxshilash maqsadida ishlab chiqilgan. Loyihaga katta yoshdagilar ta'limi, maxsus, inklyuziv ta'lim, yakka tartibda pedagogik faoliyat bilan shug'ullanish, davlat-xususiy sheriklik, sohaga investitsiyalarni kiritish, davlat nazorati, ta'lim muassasalarining o'zini o'zi

baholashi, ishtirokchilarning huquqlari, majburiyat va javobgarliklari, sohada eksperimental va innovatsion faoliyat hamda shu kabi boshqa yangi asosiy moddalar kiritilmoqda.

Qonun loyihagini tayyorlash jarayonida yigirmadan ortiq xorijiy davlatning ta'lim to'g'risidagi qonunlari o'rganildi va ularning ilg'or tajribalari inobatga olindi. O'ttuzga yaqin manfaatdor vazirlik va idoralar, sohada faoliyat yuritayotgan 50 dan ortiq mutaxassis va 100 dan ziyod fuqaro qonun loyihasi bo'yicha fikr va mulohaza, takliflarini bildirdi.

— "Ta'lim to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasi qonuni mamlakatimiz taraqqiyoti bilan bog'liq eng muhim hujjat hisoblanadi, — dedi fraksiya rahbari A.Qodirov. — Xalq farovonligi, yurt taraqqiyoti yo'lida amalga oshirilayotgan islohotlar, avvalo, ta'lim tizimida boshlanishi lozim. Chunki maktabni o'zgartirmay, yoshlarning ta'lim-tarbiyasini mustahkamlamay turib, odamni, jamiyatni o'zgartirib bo'lmaydi. Ammo o'tgan yillar davomida ta'lim tizimidagi ma'naviy-ma'rifiy muhit, o'qituvchi kasbinining obro'yi va nufuzi pasayib ketgani, kadrlar tayyorlash, innovatsion ta'lim texnologiyalarini joriy etishga yetarli e'tibor berilmagani sabab, sohada bir qator jiddiy muammolar paydo bo'ldi. Qolaversa, 1997-yilda qabul qilingan "Ta'lim to'g'risida" gi qonun

ham bugungi kun talabiga javob bermay qoldi.

So'nggi yillarda ana shu muammolarga samarali yechim topish, zamonaviy kadrlar tayyorlash tizimini tubdan takomillashtirish bo'yicha salmoqli ishlar amalga oshirilyapti. Xalq ta'limi tizimiga oid 6 farmon, 20 dan ziyod qaror qabul qilindi, uning huquqiy-me'yoriy asoslari yanada mustahkamlandi.

Fraksiya a'zolari "Ta'lim to'g'risida" gi qonunining yangi tahrirdagi loyihagini muhokama qilar ekan, unda tarbiya masalasi yetarli inobatga olinmaganini qayd etishdi. Xususan, maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim birinchi o'ringa qo'yilishi kerakmi yoki tarbiya? Vazirlar Mahkamasi huzurida Ta'lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi tashkil qilingan, lekin ta'limda tarbiya darajasiga javob beradigan mas'ul idora yo'q. Holbuki, tarbiyasi, xulqi talab darajasida bo'lmagan bolaga ta'lim berib bo'lmaydi kundek ravshan. Shu ma'noda, maktabgacha ta'lim muassasalarida ta'lim emas, tarbiya ustuvor bo'lishi lozim.

"Qishloq xo'jalik o'simliklarini zararkunandalardan, kasalliklar va begona o'tlardan himoya qilish to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida" gi qonuni loyihasi ham qizg'in bahs va munozaraga sabab bo'ldi.

Ushbu qonun loyihasi qishloq xo'jaligi o'simliklarini zararkunandalardan, kasalliklar va begona o'tlardan himoya qilish, ularning salbiy ta'siri oqibatlariga qarshi samarali kurashish, pestitsid-

lar va agrokimyoviy vositalarning inson sog'ligiga, tabiiy muhitga zararli ta'sirining oldini olish, qulay fitosanitar vaziyat va davlat oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash bilan bog'liq munosabatlarni tartibga solish maqsadida ishlab chiqilgan. Birinchi va ikkinchi o'qishda ko'plab havo va bir-birini takrorlovchi moddalar olib tashlandi.

— Qishloq xo'jaligi ekinlari hosildorligini oshirish orqali mamlakat oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashda o'simliklarni kasallik, zararkunanda va begona o'tlardan himoya qilish o'ta muhim vazifa hisoblanadi, — dedi fraksiya a'zosi Alisher Hamroev ushbu qonun loyihasi muhokama bildirar ekan. — O'simliklarni turli o'fatlardan samarali himoya qilmay turib, ularning sifatli, yuqori hosil olib bo'lmaydi. Qolaversa, eksport va import bo'yicha iqtisodiy savdo munosabatlari, tovarlarni davlatlararo ayriboshlash jarayonining kengayib borishi xorijiy davlatlardan o'simlik urug'larini, meva-sabzavot, poliz ekinlari va manzarali daraxtlarning yangi navlari kirib kelishi karantin tadbirlarini yanada kuchaytirishni taqozo etmoqda.

Qonun loyihasi bilan tanishib, unda asosan davlatga tegishli bo'lgan yerlardagi ekinlarni kasallik

va zararkunandalardan himoya qilishga e'tibor qaratilganiga amin bo'ldim. Aholi tomorqasidagi ekinlar-chi? Loyihada mazkur masalaga deyarli e'tibor qaratilmagan. Ya'ni qonun loyihasi fuqarolarning bu boradagi bilim va ko'nikmalarini oshirish, oddiy metodik qo'llanmalar tayyorlab tarqatish kabi masalalarga yechim yo'q. Qishloq odamlari esa tomorqasidagi ekinlariga tushgan zararkunandalarga qarshi o'z bilganicha kurashyapti, aksariyat harakatlari samarasiz yakunlanib, ortiqcha mablag' sarflanyapti. Mamlakatimizda oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashga jiddiy e'tibor qaratilayotgan bir paytda, bu bo'yicha aholiga yaqindan yordam ko'rsatish muhim emasmi?

Fraksiya yig'ilishida "O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasi qonuni loyihasi ham jiddiy muhokamaga sabab bo'ldi. Deputatlarning bildirishicha, ekologik vaziyatni yaxshilash maqsadida avtomobillar utilitatsiyasi uchun "Utilitatsiya yonimi" ni joriy etishga qaratilgan qonun loyihasi shundog' ham narxi "osmon" da bo'lgan avtomobillarning yanada qimmatlashuviga sabab bo'lmaydi kerak.

*Ma'lumotlarga qaraganda, bugun mamlakatimizda uch millionga yaqin avtomobil bor va ularning 30 foizdan ko'prog'ining ishlab chiqarilganiga 20 yildan oshgan. Demak, bir millionga yaqin avtomobil inson sog'ligi va atrof-muhitga zarar yetkazmoqda.*

*Yig'ilishda boshqa qonun loyihalari ham ko'rib chiqilib, barcha masalalar yuzasidan fraksiyaning tegishli qarorlari qabul qilindi.*

**Ravshan MAHMUDOV,**  
"Milliy tiklanish" muxbiri



- Umumta'lim maktablarining yuqori sinflariga "Tadbirkorlik asoslari" kurslarini joriy qilish;
- Ishbilarmon xotin-qizlarga imtiyozli kredit ajratilishiga ko'maklashish;
- Uch yoshgacha farzandi bor kam ta'minlangan oilalar ayollariga ishlashi uchun imkoniyat yaratish masalalarini o'rganish;
- Ayol deputatlar mahallalardagi xotin-qizlar o'rtasida doimiy ravishda seminar-treninglar o'tkazib, o'z faoliyatidagi ustuvor vazifalar xususida tushunchalar berib borish...

## Davra suhbatlari

# XOTIN-QIZLAR BANDLIGI

O'zMTDPning yangilanayotgan saylovoldi Platformasida bunga doir bir qancha taklif-mulohazalar bildirildi



O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi Markaziy kengashi "Xotin-qizlar bandligini ta'minlashning dolzarb masalalari" mavzusida o'tkazgan davra suhbatida ana shunday takliflar bildirildi.

Tadbirda barcha darajadagi partiya tashkilotlari va deputatlik birlashmalari davlatimiz rahbarining yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish va ularning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish bo'yicha besh tashabbusi doirasida mamlakatimizda xotin-qizlarni ish bilan ta'minlash borasida amalga oshirilayotgan ishlar muhokama etildi.

Davra suhbatini O'zMTDP Markaziy kengashi raisi o'rinbosari Miroldil Abdurahmonov olib bordi.

— Prezidentimiz ilgari surgan beshta tashabbusdan biri — ayollarning bandligini ta'minlash orqali ularga to'laqonli turmush sharoiti yaratib berishdan iborat, — dedi M.Abdurahmonov. — O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi o'z saylovoldi Platformasidan kelib chiqqan holda xotin-qizlarning huquq-manfaatlarini ta'minlashda ikki muhim masalaga e'tibor qaratmoqda. Bular — xotin-qizlarga taalluqli qonunlarning ijrosi yuzasidan deputatlik va parlament nazoratini o'rnatish, yangi qonunchilik tashabbuslarini ilgari surish hamda partiya "Ayollar qanoti" instituti orqali qarorlar qabul qilish jarayoniga turli soha va tizimlarda faoliyat olib borayotgan xotin-qizlarni jalb etishga erishishdan iborat.

Ta'kidlash joiz, 2019-yilning yanvar oyi holatiga ko'ra, O'zMTDP umumiy a'zolari sonining 49 foizini xotin-qizlar tashkil qiladi. Partiya tashkiliy tuzilmasida 600 xodim mehnat qilayotgan bo'lsa, ularning 33,1 foizi xotin-qizlardan iborat. Shuningdek, Oliy Majlis Senatida 18,7 foiz senatorlar, Qonunchilik palatasida 16,1 foiz xalq deputatlari Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengesi, Toshkent shahar va viloyatlar Kengashlarida 29 foiz, xalq deputatlari tuman (shahar) Kengashlarida 24,6 foiz deputatlar, 5 ming 694 boshlang'ich partiya tashkiloti raislarining 49,9 foizi, Markaziy kengash a'zolarining 18,6 foizi xotin-qizlardir.

Davra suhbatida ta'kidlanganidek, partiya saylovoldi Platformasida xotin-qizlar masalasida belgilangan vazifalar ijrosini ta'minlash, dasturiy maqsadlarni amalga oshirishda turli soha vakillari bilan hamkorlik qilish maqsadida o'tgan davr mobaynida 20 ga yaqin davlat va nodavlat tashkilotlari bilan hamkorlik bitimlari imzolandi.

Partiya tizimi va safiga zaxiradagi hamda faol xotin-qizlarni jalb etishga qaratilgan axborot soati, aksiya, siyosiy o'quvlar tashkil etib kelinmoqda. Kadrlar zaxirasini shakllantirish borasida oliy ta'lim muassasalari ko'ngilli talabalaridan iborat "Ko'mak" targ'ibot guruhi faoliyati yo'lga qo'yilgan. Ayni kunda mazkur guruhdagi lider qizlarning 48 foizi deputat yordamchisi sifatida Qoraqalpog'iston Respublikasi Jo'qorg'i Kengesi, xalq deputatlari viloyatlar va Toshkent shahar Kengashi deputatlariga birlashtirilgan.

Davra suhbatida xotin-qizlarni ish bilan ta'minlash masalasida hali talay muammolar borligi, ko'riyotgan choralarga qaramasdan mehnat bozorida xotin-qizlar ishsizligi yuqorilgicha qolayotgani qayd etildi. Tadbirkor ayollar va ishbilarmonlar jamoat birlashmasi raisi Nasiba Mirodilova saylovoldi Platformaga mahallalarda uyuma-uy yurib ayollar tadbirkorligini yo'lga qo'yish hamda ularni milliy hunarmandlik turlarini o'rgatishga yo'naltirish yuzasidan vazifalar kiritishni taklif qildi. Poytaxtimizdagi "Genesis Education" nodavlat ta'lim muassasasi rahbari Mohira Abdurasulova tadbirkorlik faoliyatini boshlamoqchi bo'lgan xotin-qizlarga imtiyozli kredit ajratilishiga ko'maklashish, xalq deputatlari Bektemir tuman Kengashiga O'zMTDPdan saylangan deputat Feruza Jalilova ayol deputatlar mahallalardagi xotin-qizlar o'rtasida doimiy ravishda seminar-treninglar o'tkazib, o'z faoliyatidagi ustuvor vazifalar xususida tushunchalar berib borishi lozimligini ta'kidladi.

Davra suhbatida ishtirokchilar yana bir qancha taklif va mulohazalarini bildirdi. Jumladan, ta'lim sifatini oshirish uchun muassasa va ota-ona o'rtasida shartnoma tuzish, haftada bir yoki ikki marotaba ota-ona farzandining dars mashg'ulotlarini kuzatish imkoniyatiga ega bo'lishi, partiyaning "Xizmat — beminnat" loyihasida ayollar o'rganishi lozim bo'lgan "Tibbiyot hamshirasi" singari o'quv kurslarini joriy etish lozimligi qayd etildi.

Davra suhbatida davomida ishtirokchilarni qiziqtirgan barcha savolga partiya faollari va mutaxassislar to'liq javob qaytardi. "Yoshlar" radiokanal muharriri Ahrorjon To'loqinov hamda Tadbirkor ayollar va ishbilarmonlar jamoat birlashmasi psixolog-konsultanti Aziz Ahrorov partiya a'zozligiga qabul qilindi.

**Dilfuza MAHKAMOVA,**  
"Milliy tiklanish" muxbiri

# TARG'IBOTNING NOAN'ANAVIY USULLARI undan kim qanday foydalanyapti?



Shu yilning dekabr oyida mamlakatimiz hayotida muhim siyosiy tadbir — Oliy Majlis Qonunchilik palatasi, xalq deputatlari viloyat, tuman va shahar Kengashlariga saylov bo'lib o'tadi. Shu bois, siyosiy partiyalar saylovoldi targ'ibot-tashviqot ishlarini yanada faollashtirmoqda. Xususan, O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi ham bu borada yetakchi bo'lishga intilmoqda.

Albatta, siyosiy maydonda qo'li baland bo'lish, xalqning haqiqiy ma'nodagi ishonchiga kirish va oqlash uchun davlat va jamiyat taraqqiyotiga birdek xizmat qiluvchi saylovoldi Platformaga ega bo'lish zarur. Shu ma'noda O'zMTDP bugungi davr shiddati, talab va ehtiyojidan kelib chiqqan holda o'z faoliyatida muhim o'zgarish va yangilanishlar davrini boshladi. Partiyaning eshiklari erkin fikrlovchi, xato va kamchiliklarni oshkora, xolis va haqqoniy aytadigan, so'z va fikr erkinligi prinsiplariga to'la amal qiladiganlar uchun yanada kengroq ochildi.

Partiyaning g'oya va maqsadlaridan kelib chiqqan holda Dastur va 2020–2025-yillarga mo'ljallangan saylovoldi Platformasi loyihasi muhokamasiga bag'ishlangan debatlar, ochiq-muloqot, davra suhbatlari va turli uchrashuvlar tashkil qilib, "O'zMTDP aslida qanday bo'lishi kerak?", "O'zMTDP saylovoldi Platformasi ayni kun talablariga javob beradimi?", "Unga qanday qo'shimchalar kiritish zarur?", "Bugungi siyosiy maydonga qanday g'oyalar bilan chiqish talab qilinadi?" kabi savollarga javob izlanyapti. Partiya imijini yaratish, saylovchilarni ustuvor bilish, ishonchli elektoratga ega bo'lish, davlat tili maqomini oshirish, partiyaning qat'iy pozitsiyasini belgilash bo'yicha olimlar, ekspert, siyosatshunos, yozuvchi-shoirlar hamda faollarning takliflarini o'rganmoqda.

An'anaviy hisoblangan bunday tadbirlarning ko'proq o'tkazilgani yaxshi. Siyosiy partiyalar saylovoldi jarayonlarda o'z nomini tanitish, targ'ibot-tashviqot ishlarining noan'anaviy, hech kim kutmagan, jamoatchilik e'tiborini yanada ko'proq tortadigan o'ziga xos reklamadon ham keng foydalanishga harakat qiladi. Partiyalar o'rtasida bu yo'nalishda ham allaqachon raqobat boshlangan.

Nafaqat O'zMTDP Markaziy, balki hududiy kengashlar tomonidan ham bu borada aytishga arzigulik ko'plab amaliy ishlarga qo'l urildi. Jumladan, partiya Toshkent shahar kengashi targ'ibot-tashviqotning noan'anaviy usullaridan ko'proq foydalanishga harakat qilmoqda. Dastlab partiyaning besh ming nusxadagi logotipi chop etilib, tuman kengashlari, mahalliy Kengash deputatlari, partiya faollari yordamida poytaxtimizning jamoat joylari — bekatlar, savdo do'konlari, idora va tashkilotlarning eshik hamda peshtoqiga joylashtirilgan bo'lsa, so'ngra yengil mashinalar orqa oynasi uchun mo'ljallangan partiyaning logotipi tushirilgan pardaga buyurtma berildi. Bugun shunday parda ilingan mashinalar poytaxtimiz ko'chalarida partiya nomini jamoatchilikka

yanada keng tanitishga xizmat qilmoqda.

Shuningdek, O'zMTDP Toshkent shahar kengashi tashabbusi bilan partiya logotipi tushirilgan temir konstruksiyalar tashkil qilindi va poytaxtimizdagi eng gavjum chorrhalariga o'rnatib chiqildi.

— O'zMTDP va Toshkent shahar kengashi faoliyati haqida eng so'nggi ma'lumot bilan to'ldirilgan flayerlar ham tayyorlandi, — deydi partiya Toshkent shahar kengashi raisi Otabek Jijanbaev. — 10 ming nusxada chop etilgan bunday flayerlar "Matbuot tarqatuvchi" AK bilan kelishilgan holda poytaxtimizdagi barcha matbuot do'konlariga qariyb ikki oydan beri peshma-pesh yetkazib berilyapti. Ya'ni ular eng ommabop gazetalar bilan birga mustariylar qo'lga yetib borayotir.

Partiya Samarqand viloyat kengashi ham O'zMTDP g'oya va maqsadlarini amalga oshirishda turli targ'ibot-tashviqot usullari, vositalaridan keng foydalanib kelyapti. Kitobxonlikni targ'ib qilish, jamoat transportida tozalikni saqlash, yoshlar ongiga xalqimizga xos bo'lgan milliy qadriyatlarini singdirish maqsadida turli aksiyalar tashkil etilmoqda. Shunday aksiyalardan biri shahar hududida joylashgan avtokorxonalarda uyushqoqlik bilan o'tkazildi.

Partiya faollari avtokorxonalar haydovchilari bilan suhbat davomida aksiyadan ko'zlangan maqsad haqida batafsil tushuncha berishdi. O'z navbatida, ushbu tadbirning mazmun-mohiyati bilan yaqindan tanishgan haydovchilar partiyaning bunday xayrli tashabbusini yakdillik bilan qo'llab-quvvatladilar. Shundan so'ng yo'nalishlar bo'yicha yo'lga chiqayotgan jamoat transportlariga partiya logotipi tushirilgan va aholini mutolaa, ozodalikka chorlovchi, keksalarni hurmat qilishga da'vat etuvchi shiorlar yozilgan targ'ibot vositalari ko'rinarli joylarga joylashtirildi.

— O'ziga xos bu targ'ibot usulidan ko'zlangan maqsad — nafaqat O'zMTDP imijini oshirish, balki samarqandliklar va shahrimiz mehmonlarida kitobga bo'lgan qiziqishni kuchaytirish, jamoat transportida tozalikni ta'minlash, insonlar o'rtasidagi mehroqibatni mustahkamlashdir, — deydi partiya Samarqand viloyat kengashi raisi Zebiniso Shodiyeva.

O'zMTDP Andijon viloyat kengashi ham targ'ibot-tashviqotning noan'anaviy usullaridan foydalanishda boshqalardan ortda qolmaslikka harakat qilayotir. "Yoshlar qanoti" tashabbusi bilan Andijon shahridagi jamoat transportlari haydovchilariga fuqarolar uchun tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lgan hikmatli so'zlar yozilgan maxsus flayerlar tarqatildi. Targ'ibot aksiyasi davomida, shuningdek, yurtdoshlarimizga Mustaqilligimizning 28 yilligi munosabati bilan partiya viloyat kengashi tomonidan tayyorlangan bayram tabrikari ham ulashildi. Bunday tadbirlar viloyatning barcha tuman, shahar va qishloqlarida o'tkazish rejalashtirilgan.

**R.MAHMUDOV,**  
"Milliy tiklanish" muxbiri



...1991-yil 31-avgustda O'zbekiston o'z mustaqilligini e'lon qildi. Shu kundan e'tiboran ajdodlarimizning asriy orzusi ushaldi. Mustamlakachilik zulmi, adolatsizlikdan zimiston bo'lgan qalblar ziyoga chulg'andi. Xalqimizning qorong'i, rutubatli, hazin tunlari nurafshon, musaffo tonglarga ulandi.

Tarixga nazar tashlab bugungi tinch, osuda hayotimiz osmondan tushmaganiga guvoh bo'lamiz. Xalqimiz bir asrdan ziyod vaqt mobaynida mustamlaka sharoitida, adolatsizlik, zo'raonlik iskanjasida yashadi. Bu yillar mobaynida qanchadan-qancha odamlar jismoniy va ma'naviy azoblarni boshidan kechirdi...

O'sha og'ir kunlarni, mudhish voqealarni eslashdan muddao — o'tmishdan, tarixdan saboq chiqarish, bugungi erkin, ozod va farovon hayotimizga shukrona keltirish, qolaversa, bugungi yoshlarimiz mustaqillik nima ekanligini, u osonlikcha qo'lga kiritilmaganini, uning qadriga yetish, asrab-avaylash, mustahkamlash maqsadida tinmay harakat qilish lozimligini tushunib yetishi.

Zotan, bu kabi tarixiy haqiqatlar, o'tgan kunlardan zarur xulosalar chiqarib, istiqboldagi ishlarni belgilab olish uchun yaxshi imkoniyat hamdir.



# RO'YOGA AYLANGAN ORZULAR

yoxud "Sho'royi Islom" qanday mahv etilgan edi?

XIX asr so'ngida Turkiston zaminida kurtak ota boshlagan jadid taraqqiyparvarlik harakati XX asr boshlariga kelib o'lkadagi yetakchi ijtimoiy-siyosiy kuchga aylanadi. Xalq jadidlar qiyofasida o'z xalokorlari, orzu-umidlari ro'yobini ko'ra boshladi.

Xususan, 1907-yili Sirdaryo viloyatidan Chor Rossiyasi Davlat dumasiga saylangan Abduvohidqori Abduraufqoriyev viloyat aholisi nomidan 12 maddadan iborat talabnoma topshiradi.

1909-yili Munavvar qori Abdurashidxonov tashabbusi bilan Toshkent taraqqiyparvarlarining "Jamiyati imdodiya" xayriya uyushmasi tashkil etiladi. Uyushma o'z oldiga mahalliy yoshlarning Rossiya va xorijiy davlatlar ta'lim muassasalarida tahsil olishlarini qo'llab-quvvatlash, ulardan davlat mahkamalarida, sanoat, tijorat sohasida ishlaydigan mutaxassislar tayyorlash, kambag'al musulmonlarga madaniy-ma'naviy yordam ko'rsatish kabi vazifalarni amalga oshirishni asosiy maqsad qilib qo'yadi.

1909-yili Munavvar qori Abdurashidxonovning Finlandiyaga sayohatidan so'ng Toshkentda taraqqiyparvarlarning "Turon" jamiyati tashkil etiladi. Jamiyat insonlarni hurfikrlilikka chaqirardi, Turkiston xalqining ilmiy-madaniy saviyasini oshirish, siyosiy tafakkurini rivojlantirish va millatni birlashtirish, uning boshqa xalqlar ichiga singib ketmasligi uchun keng ko'lamli tadbirlarni amalga oshiradi.

1913-yili Toshkentda jamiyat qoshida ilk "Turon" teatr truppasi ochiladi. Mazkur ijodiy guruh o'z faoliyatini 1914-yil 27-fevralda Toshkentdagi "Kolizey" teatrida Mahmudxo'ja Behbudiyning "Padarkush" spektakli bilan boshladi. Ijodiy kama keyinchalik Abdulla Qodiriyning "Baxtsiz kuyov", Abdulla Avloniyning "Advokatlik osonmi?", "Pinak", Hoji Muinning "Mazluma

xotin" kabi asarlarini sahnalashtiradi. Truppa faoliyatida Abdulla Avloniy, Munavvar qori Abdurashidxonov, Nizomiddin Xo'jayev, Shokirjon Rahimiy, Badriddin A'lamov, Muhammadjonqori Poshshaxo'jayev, Fuzail Jonboyev, 1916-yildan Mannon Uyg'ur, G'ulom Zafariy, Sulaymon Xo'jayev muhim o'rin tutadi. Shuningdek, "Turon" jamiyati qoshida 1913-yili mahalliy jadidlarning shaxsiy kitoblari va hadya qilgan jamg'armalari asosida 4 ming kitob fondiga ega "Turon" kutubxonasi tashkil etildi.

1917-yilda "Turon" jamiyati nashri — "Turon" gazetasiga asos solinadi. "Ozodlik, tenglik va adolat" shiori ostida nashr qilingan gazeta vositasida mahalliy aholining haq-huquqlarini ovrupoliklar bilan tenglashtirish, xilma-xil maktab va matbuot ishlari hamda turli-tuman jamiyatlar tashkil etishga keng imkoniyat yaratib berish haqida bong uriladi.

1917-yil fevral inqilobidan so'ng "Turon" uyushmasi zaminida Munavvar qori Abdurashidxonov, Abduvohidqori Abduraufqoriyev, Ubaydulla Xo'jayev rahbarligida "Sho'royi Islom" jamiyati tuziladi. 1917-yil 14-martdan ish boshlagan jamiyat faoliyatida Mahmudxo'ja Behbudiy, Abdulla Avloniy, Mustafo Cho'qay, Ahmad Zakiy Validiy kabi ko'plab ma'rifatparvarlar faol ishtirok etadi. Munavvar qori yozgan "Sho'royi Islom" dasturida "Turkiston musulmonlari orasida ilmiy va ijtimoiy islohotchilik g'oyalarni tarqatish, Turkiston musulmonlarini g'oyalalar va maqsadlar birligi asosida jipslashtirish, xorijiy mamlakatlar tajribasi asosida davlat hokimiyati tuzish va Ta'sis majlisiga tayyorgarlik ko'rish, targ'ibot maqsadlarida shahar, qishloq va ovullarda muttasil namoyishlar o'tkazish, eski ma'muriyatni iste'foga chiqarish va yangisini tayinlash zaruriyatini xalq ommasiga tushuntirish, o'lkadagi turli

milliy qo'mitalar va partiyalar bilan aloqalarni yo'lga qo'yish, musulmon aholisining ehtiyojlari haqida o'z vakillari orqali ma'lumotlar yetkazish hamda zaruriyat tug'ilganda, ulardan yordam so'rash" kabi maqsad-vazifalar belgilandi.

Ko'p o'tmay "Sho'royi Islom"ning Qo'qon, Marg'ilon, Farg'ona, Marv, Turkiston, O'sh kabi bir qancha shaharlarda mahalliy sho'balari tuziladi. Jumladan, Andijon sho'basiga savdogar boy Mirkomilboy Mirmo'minboyev, Namangandagi bo'limga ulamo Nosirxon to'ra Kamolxonto'ra o'g'li rahbarlik qiladi. 1917-yil aprel oyida "Sho'royi Islom" tashabbusi bilan Butun Turkiston musulmonlarining I qurultoyi chaqiriladi. Qurultoyda taraqqiyparvarlar o'lkada hududiy muxtoriyat uchun siyosiy vaziyat pishib yetilganini anglab, unga o'z munosabatlarini belgilab oladilar.

Biroq 1917-yil iyunda "Sho'royi Islom"dan bir guruh faollar ajralib chiqib, "Ulamo jamiyati"ga asos soladi. Aslida "Ulamo jamiyati" a'zolari adabiyotlarda yozilganidek, "Sho'royi Islom" bilan juda keskin ziddiyatga borgan emas. Ulamolalar ko'proq jamiyatdagi an'anaviy turmush tarafdorlari bo'lib, ichki siyosiy tuzilmada shariat qonunlariga qat'iy rioya qilish, milliy-diniy qadriyatlarini yuksaltirish va madrasalarni iqtisodiy qo'llab-quvvatlash tarafdori edilar. "Ulamo jamiyati" "al-Izoh", "al-Isloh" jurnallarini nashr etib, ularda davrning dolzarb muammolari, diniy, axloqiy, ilmiy, iqtisodiy va ijtimoiy masalalar yoritib borildi.

"Najot", "Kengash" va "Sho'royi Islom" gazetalari esa "Sho'royi Islom" jamiyatining nashri sifatida faoliyat olib boradi. 1917-yil sentyabr oyida Toshkentda bo'lib o'tgan Turkiston va Qozog'iston musulmonlarining qurultoyida "Sho'royi Islom", "Ulamo jamiyati", "Turon" va boshqa siyosiy tashkilotlar "Ittifoqi musulimin" siyosiy partiyasi nomi ostida birlashishga kelishib olinadi.

1917-yil 26-28-noyabr kunlari Qo'qon shahrida bo'lib o'tgan Turkiston o'lka musulmonlarining favqulodda IV qurultoyida Turkistonni boshqarish shakli to'g'risidagi masala ko'rib chiqiladi. Qurultoy vakili Turkiston uchun muxtoriyat va mustaqillikni e'lon qilish fikrini qo'llab-quvvatlashadi. Biroq 1918-yilning fevral oyida Turkiston Muxtoriyati qonga botirilgach, oradan bir oy o'tib, Qo'qon yaqinidagi Bachqir qishlog'ida "Ulamo jamiyati" va "Sho'royi Islom" faollarining tashabbusi bilan Farg'ona vodiysidagi milliy ozodlik harakati rahbarlari — qo'rboshilarning ilk qurultoyi o'tkaziladi. Unda Turkistonda sovet rejimiga qarshi qurolli harakatning maqsad va vazifalari belgilab olinadi. "Sho'royi Islom"ning sobiq faollari Sadriddinxon mufti Sharifxo'jayev, Mirodil Mirzaahmedov va Nosirxonto'ra Kamolxonto'ra o'g'illari Turkistonda sovet rejimiga qarshi hayot-mamot kurashiga bosh qo'shadi.

"Sho'royi Islom" partiyasining qolgan deyarli barcha a'zosi o'tgan asrning 30-yillari so'ngida butkul mahv etildi...

**Bahrom IRZAEV,**  
"Qatag'on qurbonlari xotirasi"  
davlat muzeyi katta ilmiy xodimi,  
tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori







# "O'ZBEK NONUSHTASI"

uni milliy brendga aylantirish imkoniyati mavjud

Turizm XXI asrda dunyo davlatlari milliy iqtisodiyotining lokomotiviga aylanib bormoqda. So'nggi yillarda turizmning jahon eksportida hissasi ortib, dunyo miqyosida yalpi ichki mahsulotning 11 foizini tashkil etayotir. Oxirgi 40 yil davomida dunyo miqyosida boshqa mamlakatlarga boruvchi sayyohlar soni 20 martaga, turizmdan tushadigan daromad 60 martaga oshib, umumiy foyda 400 milliard dollarga yetdi.

Mamlakatimizda iqtisodiyotni liberalashtirishni chuqurlashtirish, sanoatni modernizatsiyalash, xizmat ko'rsatish sifatining oshishi barcha sohani, jumladan, turizmning barqaror rivojlanishiga asos bo'layotir.

Tizimli ishlar turistlar oqimini oshirish, infratuzilmani modernizatsiyalash, viza rejimini erkinlashtirish borasida sezilarli natijalarga erishishga muvaffaq bo'ldi. Masalan, eng liberal viza rejimlari reytingida O'zbekiston MDH mamlakatlari orasida ikkinchi o'rinni egalladi.

Joriy yilning o'tgan olti oyi mobaynida yurtimizga 3 million nafardan ortiq sayyoh tashrif buyurdi. Bu ko'rsatkich o'tgan yilning shu davrida 2,3 million nafarni tashkil etgan shu davrda 2,3 million nafarni tashkil etgan bo'lib, 31 foizga oshdi. Natijada, turistik xizmatlar eksporti 28 foizga oshib, 590,5 million dollarni tashkil etdi.

Erishilgan bunday ko'rsatkichlarning zaminida turizm sohasining huquqiy asoslarini mustahkamlashga qaratilgan bir qator farmon va qarorlarda belgilangan vazifalar ijrosining to'liq ta'minlanayotganligini hamda yaqinda qabul qilingan O'zbekiston Respublikasining "Turizm to'g'risida"gi qonunining hayotga tatbiq etilayotganligini ko'rishimiz mumkin.

Davlatimiz rahbarining 2016-yil 2-dekabrda "O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni, sayyohlik mamlakatimiz iqtisodiyotining muhim tarmog'iga aylinishida huquqiy zamin bo'ldi. 2017-yil 16-avgustdagi "2018-2019-yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlari to'g'risida"gi Prezident qarori bilan davlat dasturi tasdiqlandi. Ushbu huquqiy hujjatlar asosida turizmning asosiy turlaridan biri bo'lgan gastronomik turizm yoki oshxonana turizmini rivojlantirish va taraqqiy toptirish maqsadida qator amaliy ishlar hayotga tatbiq qilinayotir.

O'zbek oshxonasi o'zining mazali taomlari, rang-barang tayyorlanishi usuli bilan mashhur. Buyuk ipak yo'li chorrahasida joylashgan O'zbekiston asrlar davomida nafaqat madaniyatlararo muloqot markazi sifatida nom qozondi, balki turli davlatlar turfa taomlarini bir diyori oshxonasida jamlay oldi. To'g'ri, dunyoda turk, ingliz, fransuz oshxonasi ham juda mashhur. Misol uchun, italiyaliklarning "Parmezan pishlog'i", "Neapol pitsasi" yoki "Fransuz oshxonasi" haqida eshitganmiz.

Hatto fransuz gastronomiyasi YUNESKOning nomoddiy madaniy ro'yxatiga kiritilgan. Albatta, o'zbek oshxonasiga xos palov bilan bog'liq madaniyat va an'analar ham ushbu ro'yxatdan joy olgani quvonarli holdir.

Aytish joiz, jannatmonand yurtimizda to'g'ri ovqatlanish uchun barcha sharoit muhayyo. Ona zaminimizda yilning to'rt faslida ham yuzlab xil tabiat noz-ne'matlari yetishtiriladi. Hatto qish faslida ham bozorlarimizdan sarxil meva-sabzavotlar, ko'katlar uzilmaydi. Ayniqsa, yong'oq, mayiz, mavsumiy meva-sabzavotlar, choy, novvot, quruq mevalar, qaymoq, an'anaviy shirinliklardan iborat salomatlik uchun nihoyatda foydali bo'lgan o'zbek nonushtasi ham ayni paytda sayyohlar e'tirofiga sazovor bo'lmoqda.

O'zbek pazandachiligi taomlarga boyligi va xilma-xilligi bilan ajralib turadi, — deydi O'zbekiston oshpazlar uyushmasi raisi Akbar Umarov. — Sumalak, ko'k somsa, ko'k chuchvara, yalpizli moshxo'rda, palov, kabob, karam va qalampir do'lma, ayron, go'ja osh, sabzavotli dimlamalar, qovurilgan baliq, behzil palov, qovoq somsa, sarxil mevalardan tayyorlangan ovqatlar dasturxonimizga foyz bag'ishlaydi.

Gastronomik turizmning asosiy maqsadi, sayyohlarning ma'lum bir mamlakatga sayohat qilishi asnosida o'sha davlatning milliy oshxonasi va ovqatlanish madaniyati bilan yaqindan tanishishdir. Gastronomik sayyoh, birinchi navbatda, madaniyatning ajralmas qismi bo'lgan milliy va an'anaviy taomlarni tayyorlash jarayoni, dasturxoniga tortish usullari, ovqatlanish tartibini ko'rish, bilish barobarida sayohat qilayotgan davlatning tarixi, iqtisodiyoti, mahalliy aholining e'tiqodini o'rganadi. Ayni vaqtda "O'zbek nonushtasi"ni dunyo xalqlari pazandachilik standartiga kiritishni rejalashtirganmiz.

Shu yilning noyabr oyida Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi bilan hamkorlikda uch kunlik "Lazzatli O'zbekiston" xalqaro dunyo gastronomik festivalini o'tkazish rejalashtirilgan. Unda dunyo tan olgan mashhur oshpaz va yetuk mutaxassislardan iborat komissiyaga yurtimiz nonushtalari taqdim etiladi. Bunda nafaqat nonushta, balki tushlik va kechki ovqat turlari, ularni tayyorlashni ham dunyo standartlariga moslashtirishni niyat qilganmiz. Chunki salomatlikning eng muhim omillaridan biri to'g'ri ovqatlanishdir. Yetuk mutaxassislar

hozirda bu borada izlanishlar olib borayotir.

Loyihadan asosiy maqsad — milliy taomlar, milliy pazandachiligimiz orqali jahon sayyohlarini O'zbekistonga jalb qilish, mehmondo'stlik va xizmat ko'rsatishning zamonaviy talablari bilan tanishtirish, gastronomik turizmni rivojlantirish hamda ba'zi bir yo'qolib ketish xavfi ostida qolgan o'zbek milliy taomlariga e'tibor qarotirish.

Sentyabr oyidan boshlab O'zbekiston oshpazlar uyushmasi hamda Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasi hisobidan moliyalashtirilgan "Lazzatli O'zbekiston", "O'zbekiston bo'ylab gastrotur", "Mehmonnavozlik maktabi" kabi gastronomik turizmni rivojlantirishga qaratilgan qator loyihalar amalga oshiriladi.

O'zbekiston oshpazlar uyushmasi tomonidan milliy nonushtaning taqdim etilishi va assortimentlari ishlab chiqildi. Ular fasl va hududga qarab biroz o'zgarishi mumkin. O'zbek nonushtasi atlas dasturxonida taqdim etilib, non, choy, novvot, holva, quruq mevalar, qatlama, somsa, qaymoq, sariyog', shirguruch, shirgovoq (mavsumga qarab), shirchoy, quymoq, murabbo va asal kabi mahsulotlardan iborat bo'ladi. Mavsumga qarab ko'kliklar va sarxil mevalar, sumalak qo'shilishi mumkin.

**Darhaqiqat, bugun Vatanimizning xalqaro maydondagi imiji va salohiyati yuksalib borayotir. Xususan, turizm sohasida qo'lga kiritayotgan yutuqlarimiz, imkoniyatlarimizning salmog'i tosh bosadigan darajaga yetmoqda. Dunyo sahnida o'zbek nomi bilan bog'liq faxrlanishga arziydigan milliy brendlar shakllanmoqda. Bunday yutuq va amaliy ishlarimiz safiga "O'zbek nonushtasi"ni ham bemalol kiritish fursati keldi. Demak, dunyoda mehmondo'st nomini olgan diyorumizga sayyohlar yilning istalgan vaqtida kelishi va nafaqat milliy taomlarimizdan tatib ko'rish, balki ularni tayyorlashda bevosita ishtirok etish imkoniyatiga ham ega. Agar sayyohlik sohasida gastronomik turizmning o'rni tobora ortib borayotgani hisobga olinsa, biz ham faqat madaniy merosimiz bilan cheklanib qolmay, balki o'zbek oshxonasini milliy brend darajasiga ko'tarishimiz kerak va buning uchun barcha imkoniyat mavjud. Bu esa mamlakatimiz bo'ylab gastronomik sayyohlikni yanada ommalashtirishga, istiqbolli loyihalar ishlab chiqish va amalga oshirishga xizmat qiladi.**

**Nigora NISHONBOYEVA,**  
"Milliy tiklanish" muxbiri



"Milliy tiklanish" ijtimoiy-siyosiy gazetasidagi maqolalarni [milliytiklanish.uz](http://milliytiklanish.uz) saytida ham o'qing!



**TAHRIR HAY'ATI:**  
Alisher QODIROV — hay'at raisi,  
Ilhom ABDULLAYEV, Amriddin BERDIMURODOV,  
Abdug'afur MAMATOV, Feruza MUHAMMADJONOVA,  
Akmal SAIDOV, Ortigali QOZQOV, Muhammadjon QURONOV, Ismat XUDOYOROV

**Bosh muharrir:** Behzod NORBOYEV

**TAHRIRIYAT MANZILI:** Toshkent-100000,  
Amir Temur ko'chasi, 1-tor ko'cha, 2-uy.  
Gazeta tahririyat kompyuter markazida  
terildi va sahifalandi.

**TELEFONLAR:** (0-371) Qabulxonasi (faks): 234-69-55,  
Parlament va partiya hayoti bo'limi: 234-01-47,  
Ma'naviyat, turizm, xalqaro hayot va axborot bo'limi:  
234-87-73. Reklama va marketing bo'limi: 234-86-41,  
Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari: 234-87-74,  
Buxgalteriyasi: 234-87-73.

Hajmi: 3 bosma tabaq, ofset usulida bosildi.  
Qo'g'oz bichlimi A-3.  
"SHARQ" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonasi manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.  
2008-yil 29-oktyabrda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan  
№ 0223 raqamli bilan ro'yxatdan o'tgan.  
Buyurtma — F 926. Adadi — 10 020. Gazetaning bahosi keltirilgan narxda.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farq qilishi mumkin.  
Tahririyatga kelgan xatlar doimiy e'tiborida bo'lib,  
ular mualliflariga qaytarilmaydi.

**Navbatchi muharrir:** Ravshan MAHMUDOV.  
**Navbatchi:** Nigora NISHONBOYEVA.  
**Sahifalovchi:** Dilmurod DO'STBEKOV.  
**Elektron pochta:** e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru  
Bosishga topshirish vaqti — 21.30. Topshirildi — 4.30 Uza yakuni 00.30

ISSN 2010-7714



1 3 4 5 6